

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 31 август, чоршанба

№ 70-71 (11.769-770)

Эркин нарҳда сотилади

Янги иншоотлар халқ фаровонлигига хизмат қилади

Юртимизда байрамлар муносабати билан замонавий корхоналар, турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари, раvon йўллар, кўприклар, боғ ва хибонлар бунёд этиш яхши анъанга айланган. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида ҳам бир қатор янги корхона ва иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Янги қувватлар ишга туширилган фаол жалб қилинган. Янги қувватлар ишга туширилган фаол жалб қилинган. Янги қувватлар ишга туширилган фаол жалб қилинган.

Халук Баятли, туркиялик бошқа тадбиркорлар, мутахассислар билан мулоқот чоғида тарихи, дини, тили бир ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтириш иктисодий алоқаларда муҳим омил эканини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар сони яна биттага кўпайгани эътиборан молик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 август куни «Байтекс тижарет» корхонасида бўлиб, унинг фаолияти, иш жараёнлари билан танишди.

«Байтекс тижарет» корхонаси биринчи босқичи лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларига тенг. Ишлаб чиқариш қуввати кунига 15 тонна трикотаж газлама тўқиш, 50-60 тонна газламани пардозлаш ва бўйлаш, 100 тонна матони қўриштириш, 45 минг дона трикотаж маҳсулотини

чиқариш имкониятига эга. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда ишлаб чиқариладиган калавалар, газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр либослар жуда рақобатбардор. Шу боис корхона мижозлари сафида Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ фирмалари, шунингдек, «Маркс энд Спенсер», «Вол Март», «Чибо» каби трансмилий компаниялар бор.

Бу ерда 800 нафар хамюртимиз - малакали мутахассислар иш билан таъминланган. Йилнинг охирида лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилганидан сўнг иш ўринлари сони икки баравар кўпайди.

«Байтекс тижарет» корхонаси биринчи босқичи лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларига тенг. Ишлаб чиқариш қуввати кунига 15 тонна трикотаж газлама тўқиш, 50-60 тонна газламани пардозлаш ва бўйлаш, 100 тонна матони қўриштириш, 45 минг дона трикотаж маҳсулотини

инфратузилмаларни шакллантириш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди. Шу куни Президент Ислам Каримов Тошкент шаҳрининг Эски Жува қисмида қуриб битказилган янги иншоотлар билан ҳам танишди. Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари кўзи қувонтирди. Пасткам иморатлар ўрнини замонавий турар-жойлар, тангу тор, паст-баланд кўчалар ўрнини кенг ва раvon йўллар, кўприклар эгаллади. Бу ерда аҳолига хизмат кўрсатадиган янги ижтимоий объектлар барпо қилинди, қўшма иш ўринлари яратилди. Шаҳар марказида жойлашганига қарамай, муҳим транспорт, тегишли коммуникация тармоқларига эга бўлмаган Эски шаҳар бугунги кунда турли мавзе ва даражаларни бир-бирига боғлайдиган фаол чорраҳага айланди. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Эски шаҳар ҳудудида олиб борилган улкан яратувчилик ишлари билан танишаркан, бундай ишларни қисқа муддатда амалга оширган бунёдкорлар меҳнатини

юқори баҳолади. Уч-тўрт ой муқаддам Эски Жуванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесилган жойида икки бино - Болалар бадий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси барпо этишга киришилган эди. Қисқа фурсатда бир-бирдан гўзал икки иншоот қад ростланди. Кўчалар, йўллар кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати яхшиланди.

Болалар бадий ижодиёти уйида бир йўла 200 нафаргача ўқувчи шуғулланиши мумкин. Ундан кўрғазмалар зали, кўпубоҳона, ёш шоирлар, журналистлар ҳамда шахмат клублари, компьютер синфи, бадий гўзал ва зардўзлик, шунингдек, миниатюра тўғараги, тасвирий санъат студияси, мажлис заллари ўрин олган. Бинонинг томидаги Томоша майдончаси шаҳримиз манзарасидан завқланиш имконини беради.

Президентимиз мазкур иншоотга яқин ҳудудларда жойлашган бинолар ҳам ўзаро уйғунлик касб этиши лозимлигига эътиборини қаратди. Мана шундай улкан иншоотларни бунёд этганимиз ва бундан фахру ифтихор хисларини туйганимиз яхши, деди Ислам Каримов. Бироқ уларни асраб-авайлашни, қадрлиги етишни ҳам унутмаслигимиз лозим. Абдулла Қодирий номи билан аталувчи боғ ҳам болаларнинг сеvimли гўшаларидан бирига айланиши шубҳасиз. Унга замонавий аттракционлар ўрнатилди. Иккита амфитеатр пойтахтимиз ақли ва меҳмонларининг сеvimли гўшаларидан бирига айланиши аниқ. Ўзбек либослари галереяси билан танишаркан, Президентимиз мазкур бинонинг замонавий, шу билан бирга, анъанавий услублар асосида бунёд этилганини юқори баҳолади. Улкан зал, намойиш майдончалари ва дам олиш хоналаридан иборат маҳабатли бинода мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган либослар ва газламалар намойиш этилади. Бинобарин, бундай гўзал иншоотлар хамюртларимиз ҳаётининг янада фаровонлашуви, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга етишига хизмат қилади.

Фуллом МИРЗО, Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА мухбирлари.

Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида «Демир текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Мамлакатимизда пахта хомашёсидан жаҳон андозаларига мос тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга катта эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўзида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саккизта ана шундай қўшма корхона ташкил этилди.



«Янги ҳаёт» қўшма корхонаси

Туркиянинг «Демир» фирмаси мамлакатимизда 1992 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Утган йиллар мобайнида у билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган қатор қўшма корхоналар ташкил этилди. Оҳангарондаги янги ип йиғирув фабрикаси - «Демир текстил» эса мазкур фирманинг мамлакатимиздаги бошқа корхоналарини калава ва газлама билан таъминлайди. Лойиҳа қиймати 11,2 миллион АҚШ долларига тенг ушбу корхонада пахта толасидан йиллига 5,1 минг тонна

калава, салкам 8 миллион погон-метр газлама ишлаб чиқарилади. «Ўзбекенгилсаноат-лойиҳа» институти лойиҳаси асосида бунёд этилган корхона замонавий технология асосида ишлайди. «Демир текстил»нинг экспорт салоҳияти йилгига тўққиз миллион АҚШ долларигача етади. Корхонанинг ишга туширилиши вилоятда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш имконини янада кенгайтиради. 29 август куни «Демир текстил» қўшма корхонасининг очилиши муносабати

билан бўлиб ўтган тадбирда Тошкент вилояти ҳокими К.Тулаганов, Туркиянинг мамлакатимиздаги Факултада ва мухтор элчиси Кемал Асия, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Иброҳимов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Баҳромов, «Демир» фирмаси президенти Ахмет Демир ва бошқалар иштирок этишди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қўшма корхоналар ҳалқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири. СУРАТДА: корхонанинг ички кўриниши. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Банк миқозлар хизматида

Республикамиз Мустақилликнинг 14 йиллик байрами арафасида «Саноатқурилишбанк»нинг Ангрэн шаҳар филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий кўринишдаги иншоот Тошкентдаги «Илдамқурилиш-сервис» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси томонидан 6 ой муддат ичида қуриб битказилди.

Ифтихор ислохотлар раvнақ қаноти

Мустақиллик ва ислохотлар Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтармоқда. 1991 йилнинг 1 сентябри биздан узоқлашиб боргани сари ҳар биримизнинг тақдиримизни тубдан ўзгартириб юборган бу куннинг ҳаётимиздаги, тарихимиздаги аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқдамиз. Тарихга айланган уша кунларнинг тафсилотлари кўз ўнгимиздан ўтган чоғларда бунинг яна ҳам теран ҳис қилинади, тақдиримиз, янгиланаётган ҳаётимизга шукроналар айтганда. Мана шу ўтган даврга, шу давр мобайнида амалга оширилган ишларимизга берилган баҳо турлича бўлиши мумкин. Лекин ишончим комилки, бир масалада - биз қабул қилган тарихий қарор, танлаган йўлимиз тўғрилиги бўйича аксарият кўчилигини фикри бир жойдан чиқши шубҳасиз. Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, гоёт хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни танлади.

Махмуд ТОИР, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири.

Ватанни аслида Ватан қилганлар

Ватанни аслида Ватан қилганлар, Эрк учун жонларин гулхан қилганлар, Тилларин кессалар, кўзларин ўйса, Бир-бирга дил билан суҳан қилганлар, Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Тиз чўккан тизларин ўзи синдирган, Ўғли элдан чиқса, қизи синдирган, Ватан вафо ичра очилган гул деб, Ҳар кўнгил кўзида ҳайрат ундирган, Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Ёвнинг яхшиси йўқ деган ҳам улар, Зоғнинг бахшиси йўқ деган ҳам улар, Миллатнинг қўқсида буй чўзган чинор, Ҳар дилда кўклардек кўкариб келар, Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Мақтов малҳам бўлмас, бил, қурбонларга, Оятда ором бор шахид жонларга, Қўлларинг дуога катта оч, элим, Шукрона жоиздир эркин аёлларга, Ватанни аслида Ватан қилганлар, Эрк учун жонларин гулхан қилганлар.

Маънавият руҳият абадийдир

Кўндан бери ўйлаб юрган, мени қийнаб келаётган мулоҳазалар билан айнан ҳозир, шу кутлуғ байрам кунлари ўртоқлашгим келди. Утган 14 йилга назар ташласам, шунинг англамоқдамки, бу ниҳоятда қийин, гоҳида эса шунчалик шодликларга тўла давр ўзликини кашф этувчи бутун бир босқич бўлганлигини қалбимдан ўтказаман. Ҳаёлдан эмас, юракдан. Албатта, ҳамма орзуларимиз амалга ошмади. Хусусан, бирданига мустаҳкам моддий шароит юзага келмасди ҳам. Лекин бир нарса мана шу 14 йил ичида шаклланиб, синовларда тобланиб, дунёқараш ва иродатини ўзгартди. Бу - руҳият. Ҳаёт давом этиши учун фақатгина моддий-физиологик жараённинг ўзи етарли эмас. Ҳаётни абадий жараёнга айлантирувчи буюк омил - руҳият. Руҳият - чексиз олам, бу - маданият, маънавият, коммуникнинг пойдевори ҳам, меvasи ҳамдир. Руҳингиз саломат бўлса, ҳамма нарсани - қийинчиликларни, дарду аламларни енга olasиз. Ҳар бир сўзингиз, амалингиз - эзгуликдан дарак. Қалбингиздаги меҳр ва муҳаббатни одамларга улашасиз, заифларга мадад қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Мирза-Улуғбек Элчиёв Абдусаломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси вазифасидан озод қилинсин. 2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киридади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин: Алиқул Гапарович Бобоқулов Собиржон Абдуллаевич Исмоилов Халилилло Собиржонович Тўрақўжаев Боқижон Бақоевич Яҳёев. 2. Қуйидагилар: Жамила Шариповна Мавлянова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан; Бахриддин Азимович Наимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин. 3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киридади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Қуйидагилар: Мурот Каримович Азимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари вазифасидан; Исмоил Комилевич Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин. 2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киридади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Қуйидагилар: Мурот Каримович Азимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари вазифасидан; Исмоил Комилевич Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин. 2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киридади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. Қуйидагилар: Мурот Каримович Азимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари вазифасидан; Исмоил Комилевич Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин. 2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киридади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.



СУРАТДА: Зарифа Эшмирзаева.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Алишер Раҳматович Аҳмаджонов Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУХИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Парвиз Мириевич Алиев Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУХИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Рустам Ёқубович Исоев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУХИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Улфат Саломхонидович Кодиров Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУХИТДИНОВА. Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 август.

ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН, ДЕЙМАН

Яратганга шукр, мустақиллик тугайли Камолддин ўғлим Иқтисодиёт университетининг халқаро бизнес факультетини тугатиб, хозирда Корейнинг Суwon шаҳридаги университетда магистратурада ўқияпти.

Инглиз тилини пухта эгаллаганлиги учун, корейлик ёшларга шу фандан дарс бераёпти. Кичик ўғлим Илҳомжон эса Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университетини аъло ва яхши баҳоларга тугатиб, хозирда Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида менежер бўлиб ишлаб келяпти. У ҳам Корейнинг Тегу шаҳрида ўқиб келади.

Кеча ўғлим Илҳомжон «Онажон, мен оилак маошини олдим, мана олинг», дея қўлимга пул тутказганда, куларим бига тўлди.

Камолддин ўғлимиз эса Кореяда туриб, интернет орқали ҳар ҳафта салом йўллайди. Уни худди ёнида ўтиргандек, компьютерда кўриб ўтирибман. Илгарилари, техниканинг бундай ютуқларидан баҳраманд бўламиз деб ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Оллоҳга шукр, бу ҳам истиқлолимиз, мустақиллигимиз шарофати билан. Илоҳим, ҳур Ватанимизга, тинчлик-омонлигимизга кўз тегмасин, фарзандларимиз ёр босиб, кун кўрсин, дейман.

Улмасхон ҚИДИРОВА, таълим фахрийси.

У қатагон чархпалагига илиниб, навқирон умрининг 25 йилини камокда ўтказган деса хозирги авлод ишонадими? Ўтмиш тарихимиздан хабари борлар ишонши мумкин. Лекин 1937-38 йилларнинг дахшатли воқеаларидан беҳабарлар бундай гапга асло ишонилмайди. Биласк, у нима гуноҳ қилибдики, қамокда 25 йил ўтириб чиқса, дея савол туғилиши табиий.

Ҳикоямиз қахрамони Баҳодирхўжа Саидхўжаев ҳақида баҳоли қудрат сўз айтишга ҳаракат қиламиз. Бунда унинг қатта ўғли Машрабхон ақанинг хотиралари бизга қўмак бўлади.

1896 йили таваллуд топган Баҳодир ота-ониси бағрида улғайиб вояга етди, ўқийди ва ишлайди. 1929 йил охирида оммавий коллективлаштириш даврида у ўзи яшаб турган қишлоқда аввал оддий ишчи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлайди.

1930-36 йиллари колхоз правленияси раисининг муовини бўлиб хизмат қилади. Уша пайт тамойилга кўра малакали кадрлар турли вилоят ва туманларга сафарбар этиларди. Баҳодир Саидхўжаев давлат раҳбарларининг топшириғи билан икки йилга Самарқанд вилоятига юборилди. Пастдарғом туманида бош хосилот вазифасида ишлади. 1937 йилнинг охирида Оққўрғон туманидаги Эркинлик қишлоғига кўчиб келади. Янги йил (1938 йилдан бригадир бўлиб иш бошлайди.

Уша даврда Ўзбекистон Республикасини Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб ишлаган Султон Сегизбоев «халқ душмани» тамғаси билан хибсга олинади. Урмонга

ўт кетса хўлу қуруқ баробар ёнагиндек, Оққўрғондан етишиб чиққан раҳбар кадрлар,

СЕРКУШЎ Ўзбекистоннинг кенг далаларида эмин-эркин меҳнатга ўрганган Баҳодир Магаданнинг 60-70 даража совуқларида бардош беролмайди. У қанчалик қўйин ва азоб бўлмасин ишлаганга мажбур эди. Лагердан қочиб, у ердан қутилишнинг сира иложи йўқ эди.

Баҳодир Тошкентдаги кампоҳонада Абдулла Кодирий, Элбек, Усмон Носирлар билан бирга бўлиб, бирга ётиб туришган. Турмадан Абдулла Кодирийни сўроққа олиб чиқиб кетишди, лекин

Шу улуг айём кунлари ҳар биримизнинг қалбларимиз ифтихорга тўлиб-тошган. Биз ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил илгарилаб бораётган жонажон Ўзбекистонимиз билан фахрланамиз. Унинг ҳар бир гўшаси кўз ўнгимизда ўзгариб, обод бўлиб бораёпти.

ОЛИЙ НЕЪМАТ

Ўз қишлоғимиздаги янги-лачилар, ўзгарилар бунга ёрқин мисол. Кейинги бир неча йил ичда унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яқинда бу ерда қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Унинг очилиши қишлоғимизда яшовчи катта-кичик учун энгиллик

яратди. Аҳмаджон Соатов, Дилдора Ойхўжаева, Сафура Абдуллаева сингари малакали шифокорларимиз ҳам қишлоқлар дардига малҳам бўлишяпти. Улар муолажада энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланишяпти. Шу байрам арафасида

менинг эл соғлиғи йўлидаги озми-кўлми меҳнатларим муносиб тақдирланганини кўнглимни кўтариб юборди. Бу фахрий унвон кичкинагина жамоамизнинг меҳнатларига берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман.

Собир АЛИМОВ, Тошкент туманидаги Т. Дадажонов кишлоқ врачлик пунктнинг бош шифокори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими. СУРАТДА: шифокор (ўртада) шогирдлари билан.

Ифтихор

— Юртбошимизнинг бу сўзлари бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг дил тўридаги гаплар, фикрлар, ҳулосалардир.

Уша тилга ва чиндан ҳам хатарли кунларда биз ўзгаларимизни таниш, қадди-қоматимизни қайтадан тиклаш ва жонда ўзимиз учун муносиб ўринни эгаллаш сари отландик. Очқ. демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорига айланди. Мамлакат халқимизнинг асрий оруз-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, келгуси авлодларга улкан имкониятлар эшигини очадиган ҳаёт сари қадам қўйди.

— Эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш осон бўлмаслиғи аввал бошда ноқ маълум эди, — дейди Зангиота туманида яшовчи оруз ва меҳнат фахрийси Мансур Мирзаев. — Утган йиллар бунчи тасдиқлади. Хайриятки, халқимизга хос баҳамжихатлик, бағрикенглик, чидамлилик ва қатъиятлик мустақиллигимизни мустақамлаш учун қураш синовларига бардош берди, биз барча бало-қазоларни бартараф қилиб, энг-улуг, энг азиз байрамимизни яна ҳам жипслаган, тақриба ортирган кучга тўлган ҳолда нишонламоқдамиз.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Биз ўз мустақил давлатимизни барпо этиб, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшашни мақсад қилиб олдик. Бу тўғриси, бу гою, бу мафкура шуурларимизга сингиб, қалбларимизга пухта ўрнашиб, жамиятнинг ялли тафаккурига айланди. Ўзбекистон халқларининг сай-ҳаракатлари маъно-мазмунини, суръат ва йўналишларини айтиш шу миллий мафкура белгилаб бераёпти.

Шу кўтлуг онларда биз мана шу кунларимизни оруз қилган алломаларимиз, маърифатли шоир ўзвучиларимиз, фидойи аждодларимизнинг номларини, табаррук ишларини, эзгу панд-ўғитларини бир-бир эсламоқдамиз. Бугунги Ўзбекистон шу теран идилларга таяниб, улардан маънавий-маърифий озуқа олиб, ўзини чулғаб турган ғайри мафкура

ралар, сароб оруз-режалардан халос бўлиб, изчил ва дадил янгилашиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқларининг — бу табаррук заминда яшаб турган юздан ортик миллатлар ва элатларнинг ҳаёт тарзида, оруз-мақсадларида турли ўзгариш юз берди. Улар сўзда, паст-баланд таъкидларда эмас,


қнинг азали қадриятлари ва миллатнинг аънаналари, тамойилларига сардоқат, уларни умуминсоний маънавий бойликлар билан уйғунлаштириб яшаш унинг қалб эҳтиёжига айланди. У ўз мустақил Ватанини севади, уни ардоқлаш, турли хил ганимлардан авайлаб-асраш, ҳимоя қилиб, тараққиёт эйтириб, янги, навқирон авлодларга тинч, бой, фаровон, маъна-

вий маданияти юксак бир диёрни мерос қилиб қолдириш азму қарори билан яшамоқда. Бу жаҳабда энг хиддий синовлар ҳам уни чўчқата олмайдди, танлаган йўлидан-тойдиришга қодир эмас.

Эслайлик, «ахир ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонга қандай мерос қолган эди? 90-йилларнинг бошларида санаят ва қишлоқ хўжалиғи, таълим ва фан, маънавият ва маданият тамомилла издан чиқиб, инқирозга юз тутганди. Амал қилиб келган барча аънанавий алоқалар узилиб, гигант корхона ва хўжалиқлар бамисоли суви қуриган денгиз тубида муаллақ туриб қолган кема-ларни эслатмасмиди? «Тиниб» қолган шу ижтимоий-иқтисодий ҳаёт денгизини қайта мавжлантириш, муаллақ туриб қолган ўша «кема»ларни қайта ҳаракатга келтириш осон бўлмади. Мулк хилма-хиллигига, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт барча мушкулотларни осон қилди.

Бир пайтлари ноёб металлари билан фазо кенгликларини эгаллаган, сийсий-иқтисодий парокандлик таназзулига юз туттирган «УАКЖМ» корхонаси шу жаҳабни англаб етиш имконини берувчи

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кун



Абдулхамид Саидхўжаев — Ленинград ветеринария институтини тугатиб, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, хозир нафақада.

Отахўжа Саидхўжаев — ТошДунинг тарих факультетини тугатган. Тошкент молия институтини тугатиб, профессор.

Баҳодир Саидхўжаев қамок жазосининг дастлабки йилларини Қозогистоннинг Ақтобинск шаҳридаги ҳарбий заводда ўтади. 1949 йилдан эса уни Қузил Ўрда облас-тининг оғир қурилиш ишларига юборишди. Бу ерда саккиз йил ишлайди.

1957 йил июль ойида Баҳодир Саидхўжаевга оқланган ҳақидаги ҳужжат берилди. У Оққўрғон туманининг Жалоир қишлоғига, оиласи бағрига қайтиб келади.

Баҳодир ота комил фарзандлари, набиралари, дўстлари даврасида қарилган гаштини суриб, оламдан ўтади. Унинг сиймоси авлодлари, набиралари, дўстлари хотирасида барҳайвдир.

Тялбаек МИРЗААХМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

ДЎСТЛИК БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

Кўп миллатли Ангрэн менинг тақдиримда туб бурилиш ясаган ажойиб шаҳар. Иссиқлик электр станциясида иш бошлаган дастлабки йилларимни ҳали-ҳануз унутмаман. Тахриблии энергетиклар, нурчилар касб малакасини эгаллашима ақиндан ёрдам беришди. Бора-бора одамларга ийқилик, исқилқ узаптиш, уларга хўзур-хўловат бағишлаш қандай фахрли эканлигини қалбдан ҳис қила бошладим.

Қудратли машиналарни бошқариш нихоятда масъуляти вазифа эди. Меҳнатнинг тобора баракали, унумли бўлиб бораётганини ҳис этиш ҳам куч-қувват бағишларди. Атрофимдаги меҳр-оқибатли касбдошларимнинг ҳайрихоҳлиғи, эътибори мени хайратга солар, меҳнатга иштиёқим тобора ошиб боради. Руслар, қозоқлар, корейслар, татарлар, қорақалпоқлар — ўнлаб миллатларнинг фарзандлари бир оила аъзоларидек меҳнат қилиб, мустақил Ватанимиз иқтисодий қудратини оширишга ҳисса қўшаётганлиғимиз билан фахрланамиз. Улуг байрам — Мустақиллик куну арафасида ҳурматли Президентимизнинг фар-

монлари билан она-Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланганлигим ҳақидаги хабар қалбимда хўзурбахш бир туйғу уйғотди. Оддий ишчининг камтарона меҳнати шунчалик юқори баҳола-ниши, қадрланиши ўзимга, ҳаётимга ишончимни кучайтирди. Ватанимга, жамоамизга меҳримни оширди. Ҳали кўп йиллар мана шу қадрдон жамоада эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиш менинг эзгу ниятимга айлан-ди.

Николай ЛИТВИНОВ, «Ангрэн иссиқлик электр станцияси» ишчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби.

ВАТАН ТУЙҒУСИ УЛУГ ҚАДРИЯТ

Истиклолимизнинг 14 йиллиғи арафасида мамлакатимизда бўлаётган маънавий-маърифий йўналишлардаги, сийсий-ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар ва юксалишларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу ўзгаришлар, ривожланишларнинг барчаси истиқлол шарофати эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Авалламбор, миллий истиқлол гоюси, мустақиллик тафаккури ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Миллий гою — инсон ва жамият ҳаётига маъно, мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир. Мустақиллик тафаккури — Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш, ўзини, ўз халқининг, Ватаниннинг қадру қийматини, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишидир.

Дилрабо ҚОЗОҚБОВА, Тошкент вилояти Давлат педагогика институту филология факультети талабаси.

Жўрабек МУРДОВ.

Яхши ният

МАҚСАДИМИЗ — ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Очиғи, тадбиркорлик соҳасига бел боғлаганлар кўп. Бу яхши, лекин гап нимада? Танлаган соҳанинг, касбнинг ишонин оқлаб ейишда. Шунга интилиши, иштиёқи, иқтидор бори киши ҳеч қачон ютказмайди, аксинча, ўзига ишонч билан тадбиркорлик майдонини ташаббускорига, ҳақиқий ишбилармонга айланади.

Мустақиллик ишбилармонлар учун қатта шароитлар яратиб, кенг йўл очди. Бу эса, ўзaro рақобат ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янги поғонага олиб чиқди. Биз ҳам узoқ мулоҳазалардан сўнг «Тошкент-Ўш» халқаро трассаси бўйида «Ангрэн-Ленд» ошхонасини ташкил этдик. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом деганларидек, ошхона ҳаммаша мижозлар билан гавжум. Бу ерда ошпазларнинг пазандлиғи, таомларнинг миллий ва хилма-хиллиғи бўғиб водий, бу ёни Тошкент тарафларгача донг таратишга улғурди.

Ошхонамиз йўл ёқасида жойлашгани учун мижозларимизнинг асосий қисми олин-яқин манзилларга ошқабётган йўловчилардир. Уларга тез ва соз хизмат кўрсатиш, ҳар бир хўранда билан хўшмуомалада бўлиш, орасталлик официди қиларимизга қўйилган асосий талабдир. Бундан ташқари, тантаналар учун мўлжалланган залларимизда ҳамшаҳарларимизнинг турли тадбирларини кўнгидагидек ташкил этиб келялгимиз. Шаҳ-

римиздаги 34-меҳрибонлик ўли, 18-мактабга оталиқ ёрдами кўрсатялгимиз.

Шаҳардаги Грум маҳалласида туғилиб ўсдим. Жамоат ишларида қўлдан келганча иштирок этиб келамиз. Сел тошқини мавсумида хатарнинг олдини олиш ҳаракатларида техник воситалар билан таъминлашни, шунингдек, маҳалла қабристонини ободонлаштиришни ўз зиммамызга олганмиз. Булардан ташқари 5 гектар ташландик ерни обод қилиб, боғ-роғга айлантирдик.

Депутатлик масъуляти ҳаётини теран ҳис этишга ундайди. Маҳалла кўчаларига асфальт ётқизиш, ариқ-зорворларни тозалаш ишларида ҳаммаша ёшларга бош-қош бўлимоқдамиз. Қилинажак ишлар ҳали олдинда. Мақсадимиз — ошхона фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринларни яратиш. Сифат ва самарадорликни қўлдан бермаслик. Инсоннинг меҳнати-га халқ холис баҳо беради.

Абдуқодир БЕГМАТОВ, тадбиркор, Ангрэн шаҳри.



Биринчи кўнғироқ

САЛОМ ҚАДРДОН МАКТАБ

Ҳамон ёдимда. Бундан йигирма йиллар аввал, болаликнинг қайноқ давларида мактабга илк қадам қўйгандим. Онам чиройли қилиб ўраб берган гулдастани биринчи устозимга ҳада этгандим. Уша пайтдаги ҳис-ҳаяжоним, шодликларим, айниқса, биринчи кўнғироқнинг жарангдор садоси ҳаётимнинг ўчмас лаҳзаларига, ширин хотираларига айланди.

Ҳар йили сентябрнинг илк кунлари ота-оналар, болажонларимиз учун кўш байрам. Ҳурлик, Озодлик шодибаналарига ўқув йилининг бошланиши уланиб кетади. Жамиятнинг етакчи жамоаси — маорифчилар мавсумга ўзгача тайёргарлик билан келишади. Бу йил вилоят мактабларида 49 минг 140 нафар кичкинтой 1-синфга қабул қилинди. Уларнинг барчасига Президентимизнинг совғалари ҳамда дарсликлар тақдим этилаётди.

Мамлакатимизда бошланган ҳар жабҳадаги кенг ўзгаришлар, изчил ислохотлар, шубҳасизки, таълим соҳасини янги боққича кўтарди. Келажгимиз эгалари — ўғил-қиз-

ларимиз пухта билим олишлари учун на давлат, на жамият ҳеч бир нарсани аямаётди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда асосий омил бўлди. Бу йил мазкур дастурга вилоятдаги 92 та мактаб қирилди, 5 та янгидан қуриладиган, 39 та капитал реконструкция, 37 та капитал ҳамда 11 та жорий таъмирлаш ишларига 11 миллиард 43 миллион сўм сарфланган режалаштирилган. Бундан ташқари ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини замон талаб-

лари даражасида ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, янги 2005-2006 ўқув йили учун кутубхоналар фондига 160 минг, 1-синф ўқувчилари учун эса, 260 минг нусхада ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик тилидаги дарслик ва ўқув қуроллари марказлашган тартибда харид қилинди. Таълим барча тилларда олиб бориладиган мактаблар учун жами 1 миллион 142 минг 476 донга ижара тизимидаги дарсликлар «Таълим-таъминот» корхонаси томонидан мактабларга етказилмоқда.

Илм масканларида илк кўнғироқлар янграмоқда. Жажжи қалбларни тўлқинлантирувчи, ҳажжонга солувчи бу садолар кичкинтойларни билим олишга чорламоқда.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЯНГИ ИЛМ ДАРГОҲЛАРИ

лар мавжуд замонавий билим масканида ўқиш имкониятига эга бўлди. — дейди мактаб директори Жалололдин Дадамавов.

Мактабнинг тўққизта фан кабинети, лингафон ва компьютер хоналаридан иборат янги ўқув биноси, спорт зали ўқувчиларни интизорлик билан кутмоқда.

Туман халқ таълими бўлими муdiri Хондамир Воҳидовнинг таъкидлашича, ту-

мандаги 43 та мактабнинг 42 таси мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига киритилган. Утган йили тўртта мактаб, битта мактаб-интернат тубдан таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган эди. Бу йил иккита мактабда капитал реконструкция, яна иккитасида капитал таъмирлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

ЎЗА.

ЁРУҒ ХОНАЛАР, КЎРКАМ ПАРТАЛАР

Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги ҳудудида янги 71-умумтаълим мактабини қуриш жараёнида синф хоналарнинг кенг, ёруғ бўлишига, кўплаб спорт турларига мўлжалланган залнинг кўринишига, мактаб атрофининг ободончилигига катта эътибор қаратилди.

Шунингдек, Бектемир шаҳарчасидаги 2-мактабнинг 140 ўринли янги биноси ҳамда спорт зали қуриш битказилди. «Паррандачилик» кўрғонига эса 25-ҳамда 41-мактабларда қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди.

«Махсустраскурриш» ҳамда «Биноқуриш» таъминоти» корхоналари қурилиш, пайвандлаш ишларини олиб бориб, унинг учун жами 598,4 миллион сўм маблағ сарфлади.

Хуррият МУМИНОВА.

Юртимизда халқ таълими соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилатганлиги, шу кунларда янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган билим масканлари, айниқса, касб-ҳунар коллежлари фаолиятига алоҳида эътибор берилатганлигида ҳам яққол кўриниб турибди.

КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилатган айти пайтда бизнинг Олмалик шаҳридаги сановат касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам ёшларимиз ҳаётида ўз ўринларини топишлари учун бор имкониятларни ишга солаётди.

Кўп йиллар эски иморатда, Тошкент политехника институти филиалининг биносида ишлаб келдик. Муस्ताқиллик шарофати билан қисқа вақт ичида мана шундай кўркам бино қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Билим даргоҳида 50 нафар ўқитувчи касб сирларини 1,5 минг нафар талабага ўргатмоқда. Улардан 4 нафари фан номзоди, бир қанчаси олий тои-

фадаги ўқитувчилар, узок йиллар давомида ўз касбининг фидойилари бўлиб ишлаётган билим ва тажрибага бой кишилардир. Устозлари ёрдамида ёшлар ўзлари қизиққан касблари бўйича билим ва маълумотларини бойитиб бораётирлар.

Коллежга бу йил тўққизинчи синф маълумотига эга бўлган йигит-қизлар ҳамда шартнома асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олиш учун 11-синф маълумотига эга бўлган жами 480 нафар ёшлар қабул қилинди.

Тургун КОМИЛОВ, Олмалик сановат касб-ҳунар коллежи бўлими муdiri.

Истиқлол тенгдошлари

ОРЗУЛАРИМ БИР ОЛАМ

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг энг улуг айёмида, озодлик, ҳурлик байроғи баланд қилинган 1991 йилда туғилганлигим билан фахрланаман.

Ҳар йили истиқлолимизнинг ёши тилга олинса, менинг ҳам туғилган куним нишонланаётгандек. Устозларим таъкидлаганидек, улуг тарихий сана менинг тақдиримга алоҳида маъно бахш этган. Кундан-кунга чирой очиб, ободонлашиб бораётган Ватанимнинг ҳар гўшаси мен учун азиз, муқаддас. Лекин туғилиб ўсган она қишлоғимнинг соддагина, тўпори халқи, саховатли, серунум ерлари, боғ-роғлари, қир-адирлардан гул-лола териб, бирга юрган дугоналарим, тенгдошларим янада кадрли, жон қадар азиз.

Мустақиллик туғайли ўз ери, ўз меҳнатига эгалик қилаоладиган юртдошларим қатори менинг ота-онам ҳам тадбиркорлик

билан шугулланишади. Менга эса: «Қизим, сен ўз номинг билан Юлдуз бўлиб туғилгансан. Истиқлол юлдузларидан биттаси сенсан», — дейишади эркалаб. Ўзим адабиётни севаман, шеър ёзишга қизиқаман. Туманимизнинг «Оҳангарон» газетасида шеърларим чиқиш туради. Мактабимизда ўтказиладиган тадбирларда, танловларда фаол қатнашиб келаяпман. Меҳрибон, талабчан устозларимни чин дилдан яхши кўраман, уларга ўқушга ҳаракат қиламан. Келажикда устозларим каби моҳир ўқитувчи бўлиш катта орзуим.

Юлдуз ИБРАГИМОВА, Оҳангарон туманидаги 7-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Пскент туманидаги 9-мактаб ўқувчиларининг ҳам орзуи ушалди. Олтмиш йилча бурун қурилган эски мактаб қисқа вақт ичида мулақо замонавий, кўркам қиёфа касб этди.

Туманининг чекка «Дўстлик» қишлоғида жойлашган 10-мактаб ҳам қайтадан қад ростлади. «Пскент» ширкат хўжалиги мактабнинг янги биноси учун икки гектар ер майдони ажратиб берди.

— Мана, ниҳоят, узок йиллик орзуимиз ушалди, фарзандларимиз ҳамма шароит-

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги кунларида бошланжақ янги ўқув йилида илк бор мактаб остонасига қадам қўйдиган биринчи синф ўқувчилари ҳар доимидан ҳам зийрак, ақли, қадамлари шаҳдам.

Зеро, улар болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ота-оналар ва мутахассислар учун махсус ишлаб чиқилган «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида таълим-тарбия қуришган.

Келгуси узлуксиз таълим жараёнида замон талаблари даражасида ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган соғлом фикрли, жисмонан бақувват авлоднинг вояга етишига мактабгача таълим муассасаларида олинган таълим-тарбия мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зангиота туман Хонобод қишлоғи ҳудудида жойлашган 17-мактабгача таълим муассасаси, мана 60 йилдирки, ўз тар-

бияланувчиларини мактабларга учирма қилишдан чарчамайди.

— Боғчамиз — 120 ўринга мўлжалланган, — дейди мудира Мунира Саидвалиева. — Болажонларнинг жисмонан бақувват, маънан баркамол бўлиб етишишларида ўқитувчиларнинг роли катта. Лекин пойдевор мустаҳкам бўлса... Агар бунинг акси бўлса, ҳар қанча меҳнат зое кетиши мумкин. Аввало бола кенг тасавурули, олижаноб фазилатли бўлишига эришиш, замонавий жиҳозлар билан безатилган кенг ва ёруғ биноларда пишиқ-пухта таълим-тарбия олиши учун шароитлар муҳайё бўлиши керак. Шу боис боғчамиз ҳар йили жонқуяр ота-оналар, хомийлар томонидан таъмирлаб турилади. Бу йил алоҳида мусиқа хонаси қуриб берилди. Болажонларнинг ҳар қуни қувноқ ва мазмунли ўтишида «Мустақиллик» ширкат хўжалигининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлаётди.

Сайёра РИХСИЕВА.



Тошкент вилоят педагогика институти раҳбарияти ва меҳнат жамоаси Ватан, юрт тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилаётган ватандошларимизни, талаба-ёшларни республикамиз Мустақиллигининг 14 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга қут-барака, хотиржамлик ва бахт-саодатли кунлар доимо ёр бўлишини тилайди. Эзгуликнинг йўллари баланд — Тиён-Шоннинг мағрур қояси. Биз қуйлаган чўққидир ўша, Истиқлолнинг буюк ғояси!

Таълим ва фан касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши Ўзбекистон ақлини аждодларимиз орзу қилган улуг кун Мустақиллик айёми билан самимий табриклайди! Ватанимиз эришаётган улкан ютуқларда, табиийки, касаба уюшмалари ходимларининг ҳам ҳиссаси бор. Халқ фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилаётган жамоамиз юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, ният-мақсадларимиз улуг ва хайрли бўлишини тилайди.

Маънавият

РУҲИЯТ АБАДИЙДИР

берасиз, кучлилар билан бирга бўласиз ва эзгуликка интиласиз. Руҳиятнинг гоиси эзгуликдан бошқа нарса эмас. Сиз яққа ўзингиз учун эмас, кўпчилиги учун қайғурасиз, элингиз, юртингиз учун куйиб-ёнасиз ва шу юртингиз тупроғини азиз деб биласиз. Қалбида шундай давлат пайдо бўлган инсон учун энг муқаддас нарса Ватан бўлиб қолади.

Эзгуликка йўл, қомилликка йўл нимадан бошланади? Йўллар кўп, аммо гоё — ягона, ният — эзгу. Ота-онанинг меҳри, устозларнинг ҳалоллигидан ва юртингиз ўтмишидан бошланади ҳамма нарса. ... Юртимизда минглаб тарихий жойлар, буюк қадамжолар бор. Улуғ олимлар, шоирлар, мусаввирлар, табиблар, қаҳрамонларга Ватан бўлган бу юртимизда буюк тарикатлар вуқудга келган, озодлик гоёлари бу юртда камол топган ва Шарқни нур маконига айлантирган. Фарби ҳаммаша хайратта солган бу юртингиз қанча-қанча сирлари бор ҳали.

Тошкент воҳаси — сирли эртақ, саҳифалари ҳали очилмаган китоб. Чорак асрдан кўпроқ вақт бўлибдики,

(Давоми. Боши 1-бетда).

музофотимизнинг жамолига ва қалбига ошиқман. Адоқсиз йўлларида юриб, чарчамайман, ҳар қадамда буюк тарих, ажойиб одамларга дуч келаман.

Мана, беш йилдики, вилоятимизнинг зиёратгоҳларини ўрганиб, уларни тиклаш ишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бошқармаси тасарруфидан 24 зиёратгоҳ бор. Улар вилоят ҳокимининг қарори билан бизнинг оталигимизга ўтказилган. Бу қадамжоларни авайлаб-асраш борасида қўлдан келганча иш олиб боряпмиз. Оҳангарон, Паркент ва Окқўрғон туманларида зиёратгоҳлар қайта тикланди. Бу борада шу учта тумандаги фидойи инсонлар, ташкилот ва ҳўжалик раҳбарлари, фермерлар катта ёрдам бердилар. Паркент туманида эса ҳокимдан бошлаб энг кичкина ташкилотга «Заркент ота»ни тиклашга ҳисса қўшишди. Оҳангарон туманида Соғлом ака Балашовнинг хизмати катта.

Окқўрғон туманида Шомирқори авлиё зиёратгоҳи бундан уч ой илгари очилди. Султон Сегизбоев номли, «Окқўрғон», «Ўзбекистон» ширкат ва бир қатор

фермер ҳўжаликлари, кичик корхоналар бу улуғ жойни тиклаш учун кўп ҳаракат қилдилар.

Хуллас, барча ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилди. Қибрай тумани Салор қўрғонидан ҳам 1999 йилдан бери ишлаймиз. 1942-1947 йилларда қатагон қилинган юртдошларимизнинг суякларини кўмиб ташланган жойда икки йил қидирув ишларини олиб бордик. Вилоят ҳокимининг қарори билан бир гектар ер ажратилди ва биз бу ерда мева-ли боғ яратишни ният қилдик. Бу ишда бизга самимий ёрдам берган Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бўстонлик ва Тошкент туманларидаги ўрмон ҳўжаликлари раҳмат айтапти.

Тошкент шаҳар аҳолига хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари боғимизда шахидларнинг қабри устига мраммрдан ёдгорлик ўрна-тиб бердилар. Бу кишиларни ҳеч ким мажбур қилган эмас. Кўнгилдан чиқариб, қилинган яхшилик абадийдир.

Шулар ҳақида фикрласам, яна бошқа бир мулоҳазалар ҳам ҳаёлимга келавради:

— Кимдир, умр бўйи яхшилик қилади, боғ яратади, кўчаларни тозалайди, заиф кўнгилларга меҳр беради. Кимдир, ҳатто, қадамжолардан ҳам манфаат кўришга, фойдаланишга ҳаракат қилади.

Зиёратгоҳлар — халқ мероси, барчамизнинг маънавий бойлигимиз, қалбларимизнинг суякларини кўмиб ташланган жойда икки йил қидирув ишларини олиб бордик. Вилоят ҳокимининг қарори билан бир гектар ер ажратилди ва биз бу ерда мева-ли боғ яратишни ният қилдик. Бу ишда бизга самимий ёрдам берган Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бўстонлик ва Тошкент туманларидаги ўрмон ҳўжаликлари раҳмат айтапти.

Тошкент шаҳар аҳолига хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари боғимизда шахидларнинг қабри устига мраммрдан ёдгорлик ўрна-тиб бердилар. Бу кишиларни ҳеч ким мажбур қилган эмас. Кўнгилдан чиқариб, қилинган яхшилик абадийдир.

Шулар ҳақида фикрласам, яна бошқа бир мулоҳазалар ҳам ҳаёлимга келавради:

«TOSHILOVATAVTO TEXXIZMAT»

очик ҳиссадорлик жамияти

сизларни Мустақилликнинг

14 йиллиги

билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчангизга тинчлик-хотиржамлик,

бахту саодат тилаймиз.

Жонажон юртимизнинг

энг улуғ, энг азиз байрами

барчамизга муборак бўлсин!



Сўз — нишондорларга

МЕҲНАТИМИЗ ЭЛГА ТУҲФА

«Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик комбинатида ишлабтанимга кўп вақт бўлгани йўқ. Кон-маъданчилик техникуми 2003 йили муваффақиятли тамомлаб, Қалмоққир қонида дастур таъминотчи-муҳандиси бўлиб иш бошлади.

Бугунги ишлаб чиқаришни электрон-ҳисоблаш машиналари ва компьютерлароз тасаввур қилиш қийин. Жуда катта майдонда юзлаб хилма-хил техникадан фойдаланиладиган Қалмоққир қонида бошқарувнинг янги технологиялари, аynиқса, муҳим ўрни тутди. Мен дастлабки пайтда ана шу мураккаб машиналарга теяник хизмат кўрсатувчи бўлиб ишладим. Иш жараёнида мана шу техника мажмуидан яна ҳам оқилона фойдаланиш йўллари изладим. Утган йили янги сервер операция тизимини яратиб, ишга туширдим. Бу тулпанидан маълумотларни соқлаш хавфсизлигини кучайтирди. Операторнинг меҳнат даражаси ошди. Янги қадам сифатида кон участкаларида иш-

нинг тежор ҳисоби учун керакли материаллар акс эттирилган янги веб-сайт ишлаб чиқишга киришдим. Унинг яратилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида маълумотларга кириш тезлиги ошди. Кишининг меҳнатсеварлиги, ўз ишига ижодий ёндошиши, жамонинг қувонч-ташвишлари билан яшашга интилиши сезилмай қолмас экан. Менинг ўз билим ва тажрибаларимни ишга солиш йўлидаги изланишларим Ватанимизнинг кўтлуг байрами арафасида муносиб тақдирланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши қаро-рига кўра «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони билан мукофотландим. Мен ўз куч-ғайратимни кончиликка бошқарувнинг янги технологияларини жорий этиш учун тинмай сарфлайверман.

Евгений МУН, ОКМК очик акциядорлик жамияти Қалмоққир қони муҳандиси, «Ўзбекистон белгиси» нишондори.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Ўзбек халқида яхши одат бор. Ёлғиз, касалманд, нуруний отахон ва онахонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар қорига яраш қон-қонимизга сингиб кетган.

Олмалик шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси, ижтимоий таъминот бўлими ҳамда Рамазон Шариф жомеъ масжиди вакиллари 100 ёшли Шарофат момо Мусаева ҳамда 102 ёшли Халима момо Йўлдошева хонадонларига ташриф буюришди. Онахонлар кўрсатилган ҳур-мат-эътибор учун дуога қўл очишди.

Феруза НАЗАРОВА



"TASVIRIY OYINA"

ижодий уюшмаси вилоят бўлими

ҳамюртларимизни энг улуғ айём —

Истиқлолнинг 14 йиллик тўйи

билан табриқлаёди!



Давлатимизни қудратли, юртимизни обод этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад тилаймиз. Токи бизлардан келажак авлодга озод ва обод Ватан қолсин. Истиқлол барчага улуғ бахт олиб келсин!

Азиз ҳамюртлар!

Ён-атрофимиз янада гўзал бўлмоғи учун ҳар биримиз ўз маҳалламиздан тортиб, шаҳар ва туман, умуман она заминимизнинг хуснига ҳусн бағишлашга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Келинг, юртимизни ҳақиқий обод ва фаровон ўлкага айлантирайлик.

Шундай экан агар сизда ҳам ўз маҳаллангиз ҳамда ташкилот ва муассасангизда замон талабларига мос ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш истаги бўлса, бу йўлда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими яқиндан кўмак беради. Хусусан, уюшмамиз турли плакатлар ва ҳар хил соҳалар бўйича рекламалар, фотолавлалар орқали халқ орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, унинг жаҳон андозаларига мослигини таъминлаш доимий эътиборда. Бундан ташқари тайёрланган кўргазмалар ва бошқа тарғибот-реклама воситаларни жойида ўрнатиш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш, қурилиш-таъмирлаш каби пудрат ишларини амалга ошириш, уларни назорат қилиш «Тасвирий ойина» фаолиятининг асосини ташкил этади. Шунингдек, эшик ва фасад таблицалари, шиор ва паннолар, ҳажмли ҳарфлар, йўл кўрсаткичлари, фермер ва ширкат ҳўжаликлари учун паннолар, шаҳар ва туманларга кириш аркалари ва бошқа ностандарт конструкциялар бўйича миждозларга ўз хизматларини тавсия этади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси

сизларни улуғ айём –
жонажон Ўзбекистонимиз
мустақилликка эришганлигининг

14 ЙИЛИГИ

билан табриклайди!

Қалбларда жўш урган эзгу истакларнинг
рўёбга чиқиши, она заминнинг гулаб-яшнаши

Ва дунё мамлакатлари билан

бўйлашиш йўлидаги

саъй-ҳаракатларга ривож тилайди.

Токи келгуси авлодларга

бизлардан озод Ва обод юрт қолсин.



Сўз – партия етакчиларига

ЖАНГОВАРЛИК ОШМОҚДА

Мустақиллик байрамини Халқ-демократик партиясининг Тошкент вилояти ташкилотлари кўтаринки руҳда, яхши кайфият билан, ижтимоий адолатга эришишдек эзгу мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан кутиб олмақдалар.



Партия фаоллари йиғилишлари ва партия мажлислари янги фикрлар, янги партия дастурларида кўзда тутилганидек, биринчи навбатда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш йўллари излаш ва бу соҳадаги камчиликларни кескин танқид қилиш вазиятида ўтмоқда. Чирчиқ ва Ангрэн шаҳарларида, Бўстонлиқ, Чиноз ва бошқа кўпгина туманларда бўлиб ўтган партия анжуманлари бунга мисол бўла олади.

Ҳаётимизда учраётган камчиликларни рўй-рост очиб ташлаш, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини аниқ кўрсатиб бериш Чирчиқ шаҳридаги кўпгина бошланғич партия ташкилотлари иш услубига айланган. Ўзбекистон каттик қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати, «Ўзбеккимёш» ҳиссасдорлик жамияти, халқ маорифи ходимлари партия ташкилотлари ўзларининг ишларида кескин бурилиш ясамоқдалар. Улар корхона раҳбарияти ва касабга уюшмаси, шунингдек, шаҳар ҳокимияти ва бошқа давлат бошқарув органлари олдида ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига оид масалаларни кўндаланг қўйиб, улар ижобий ҳал этилишини таъминлашга эришмоқдалар. Табиийки, меҳнат-кашталарнинг ижтимоий манфаати учун олиб борилаётган кураш ўз натижасини бермоқда. Камчилик ва нуқсонлар ўз вақтида йўқотилибгина қолмай, биринчи ярим йиллик давомида партия сафларига 120 нафардан ортиқ ишчи ва хизматчи янги аъзо бўлиб кирди.

Уқитувчи, шифокор ва ёшларни партия ўзининг асосий таянчи деб ҳисоблайди. Соғлиқни сақлаш муассасалари ишига яқиндан ёрдам бериш партия аъзоларининг биринчи галдаги вазифаси бўлгани учун Халқ-демократик партияси-дан халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашига депутат — Янгийўл туманидаги «Нивёзбош» ширкат хўжа-лиги раиси Абдугани Юсу-пов туман тиббиёт тизими-да жамoa номидан «Дамас-русумли «Тез ёрдам» маши-насини совага қилди.

Кунги кеча Тошкент вило-яти шаҳар ва туман партия кенгашларининг раислари билан Ўзбекистон Халқ-де-мократик партияси курул-тойининг ва партия Марка-зий кенгаши ижроия кўми-тасининг: «Партия аъзола-рини қайта рўйхатдан ўтқа-зиш ва партия билетларини алмаштириш ҳақида»ги қарорини бажаришга бағиш-ланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари бу ҳужжат низоҳатда муҳим аҳамиятга эга эканлиги, партия сафларини мустаҳ-камлашда, партия ташкилот-

ларининг жанговарлиги ва ишчанлигини оширишда у муҳим роль ўйнашини таъ-кидлаб ўтдилар. Партия ҳужжатларини алмаштириш бўйича олиб бориладиган ишлар шунчаки расмий тад-бир бўлиб қолмай, балки у оддий партия аъзоси ҳаёти-да учраётган муаммо ва камчиликларни партия ташкилотлари ёрдамида бартараф эта олишига ишонсагина, партия сафла-рини мустаҳкамлашга олиб келиши жойларда тушунти-рилмоқда.

Вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган барча тадбирларда Анди-жонда бўлиб ўтган воқеа-ларга тўғри сиёсий баҳо бе-риш, халқ ишончини қозо-ниш учун терроризм ва дин-ий радикализм гоаяларини тарқатувчи кучлар билан аёвсиз жанг олиб бориш ке-раклиги таъкидланди. Партиянинг ҳар бир аъзоси хушёр туриб, вилоятимизнинг бирорта фуқаро-си ана шундай кўпуровчи-лик ва бузғунчилик билан шуғулланаётган, давлат ҳокимиятини куч ишлатиш йўли билан ағдарилган ури-наётган тўдаларга қўшилиб қолишдан асрашлари ло-зимлиги таъкидланди.

Мустақиллик кўнги Халқ-демократик партиясининг барча ташкилотлари оммавий тадбирлар ўтказиш билан ни-шонламоқдалар. Жумладан, Покент туманида чегарачилар ва «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари билан «Омон бўл, буюк юрт, буюк истиқлол» шiori остида байрам тадби-ри, Чирчиқ шаҳрида спорт-нинг етти тури бўйича бола-лар ва ёшлар спартакиада-си, Ангрэн шаҳрида «Спорт — аёллар ҳаётида» хотин-қиз-лар спартакиадаси ва бошқа кўпгаб қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Партияимиз аъзолари Мус-тақиллик ва «Билимлар кун» муносабати билан барча шаҳар ва туманларда ўтқа-зиладиган тадбирларда фаол қатнашиб, 1991 йил 1 сен-тябрь кунги тузилган ўсмир-лар, биринчи синфга қадам қўяётган кичкинтойлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, но-гиронлар ва кам таъминлан-ган оилаларнинг аъзолари-ни байрам билан табриклар, уларга турли совғалар топ-ширишмоқда.

Сирожиддин АъзаMOV,
Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг раиси.

Чирчиқ шаҳар партия кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида шаҳар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг шаҳар ҳокимияти қошидаги мувофиқлаштирувчиси Қудрат Ўбайдуллин раёсатга ариза ёзиб, уни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сафига қабул қилишни сўради. Нима учун «Адолат» партиясига аъзо бўлмоқчисиз деган саволимизга у шундай жавоб берди:

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ТҮЙИГА

— Мен бу партияни жуда ҳурмат қиламан. Сир эмас, орамизда айрим кимсалар пешона тери тўқмасдан бой-лик орттиришга муқассадан тушган. Бу адолатсизлик эмасми? Шу сабабли адолат учун курашаётган мана шундай партия сафига бўлишга ва бундай олижаноб, хайри-ишга ўз ҳиссамни қўшишга аҳд қилдим.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси-нинг кўпминг кишилик аъзо-лари энг улуг, энг азиз бай-рам — Ўзбекистон Республи-каси Мустақиллигининг 14 йиллигини кўпмиллатли дав-латимизнинг барча халқлари қатори ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти-мизнинг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат билан кутиб олмақдалар.

Бу йил ўзининг ўн йиллик юбилейини нишонлаган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси айнан мустақиллик йилларида дунёга келди. Ўзбекистонда фуқароларни ижтимоий, иқтисодий-сиёсий манфаат-ларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, республика мус-тақиллигини янада мустаҳ-камлаш, ҳаётимизнинг бар-ча жаҳаларида қонун усту-ворлигини таъминлаш, Ва-танга садоқатли хизмат қилиш ниятида ҳудудимизда тузилган биринчи социал-де-мократик партиядир.

Вилоятимизнинг 6 та ша-ҳар ва 15 та туманида партия кенгашлари, жойларда 350 дан ортиқ бошланғич ташки-лотлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир партия ташкилоти сафарида 4500 дан ортиқ аъзо бор. 2004 йилда Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-си ҳамда давлат ҳокимияти-

нинг маҳаллий органларига ўтказилган сайловларда биз ҳам фаол қатнашдик ва Қонунчилик палатасида, вилоят, шаҳар ва туман кенгаш-ларида ўз вакилларимизга эга бўлдик.

Халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари каби сиёсий таш-килотлар фаолиятида ҳам барча ютуқлар ва муваффа-қиятсизликларнинг бош кали-ти раҳбар ходимлар эканли-гини яхши англаб тушунган вилоят партия ташкилоти кадрлар масаласига ҳаммаша жиддий эътибор бериб кел-моқда. Партияимизнинг фаол аъзоларидан Гулсун Ёкубова,* Гулзира Шарипова, Мўътабар Ҳолиқова, Марҳамат Раҳма-това, Турсуной Қазақова ва бошқа кўпгаб опа-сингилла-римиз билан фахрланамиз.

Бугунги кунда партияимиз сафига кирувчилар кун сайин ортиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча партия-дошларимиз номидан вилоятимизнинг сўзи билан иши бир меҳнаткашларини муқад-дас Ватанимиз мустақилли-гининг 14 йиллик байрами билан чин қалбдан табрик-лаб, ишларига барака, Узла-рига соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Махмуджон МҮЙДИНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.

ХДПнинг муруввати
ОҚСОҚОЛЛАРГА ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ
Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши аъзолари «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг уйларига бориб, улар-ни энг азиз ва энг улуг байрам — Мустақиллик кун билан самимий табрикларди. Фахрийларга эсдалик совғалари ва 10 минг сўмдан пул тарқатилди.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ
Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Охангарон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Охангаронцемент» ҳиссасдорлик жамиятининг профилактикасида 50 нафар ногирон болалар-га байрам дастурхони ёзилиб, катта концерт ташкил этилди, байрам совғалари улашилди.

Ушбу тадбирни юқори савияда ўтказишда корхона раҳбари Халқ демократик партияси аъзоси Мухиддин Муродовнинг хиссаси катта бўлди.

Баҳодир Ваҳобов,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот марказининг раҳбари.

ЖАННАТ КАБИ ГҶЗАЛ ҶҮРТИНГ СЕНДАН ИШ КУТАДИР

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси мустақил миллий давлатчиликни оёққа қўйиш, ноёб маънавий сиёсат — миллий ўғонишнинг маҳсули сифатида дунёга келди ва унинг олий мақсади — Миллий тикланиш гоаясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишлари деб миллатнинг маънавий бирлигини, Ватан ягона оила эканлигини, кучли демократик давлатнинг илдизи миллий кадрларимиз томиридан куч олиб, илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграциясига эришишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Ўзбекистон Миллий тик-ланиш демократик партия-си Тошкент вилоят кенга-ши ҳам ўтган мuddат мо-байнида партиянинг бош мақсадидан келиб чиқиб, иш олиб борди, партия курултойлари, пленумла-ри, Марказий кенгаш қарорлари, кўрсатма ва режаларини амалиётга татбиқ этишга вилоятдаги 20 мингдан ортиқ партия-дошларимизни сафарбар этди. Кейинги пайтда саф-ларимиз янги аъзолар ҳисобига орди, корхона-лар, идоралар, муассаса-лар, маҳаллаларда пар-тиянинг бошланғич ташки-лотлари — таянч пунктла-ри тузилди, жойларда меҳр-мурувват, диний-ин-соний бағрикенглик ва бошқа турли инсоний йўриқларни мустаҳкам-лашга хизмат қиладиган беш юздан ортиқ омма-вий-тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Бошқа партия ташкилотлари билан назар-ий-услубий тажрибалар алмашиш юзасидан қизгин фаолият олиб борилди.

Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбеки-стон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувват-лаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги Фармони ва Вазир-лар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарориде-б белгиланган вазифалар иж-росини таъминлаш мақса-дида ЎзМТДП Тошкент ви-лоят кенгаши томонидан кенг қўламли чора-тадбир-лар режаси ишлаб чиқилиб, партиянинг «Маърифатпар-вар аёллар» қаноти етакчи-лари ва фаоллари аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришди. Ҳар бир шаҳар ва туман кенгашлари тарихида аёл-лар қаноти тузилиб, ҳозир партияимиз аъзоларининг 51 фоиздан ортигини аёллар ташкил этади. Зеро, Юрт-бошимиз таъкидлаганлариде-к, «Жамиятимизда онала-римизнинг маккоми ва ма-вқеини ошириш, уларнинг меҳнатларини ва ҳаёт ша-роитларини яхшилаш дав-латимизнинг асосий усту-вор вазифаси бўлиши ке-рақ».

Ўзбекистон Миллий тик-ланиш демократик партия-си баркамол ёшларни шакллантириш соҳасида ҳам кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Бу бо-рада вилоят кенгаши ёшлар қаноти турли тад-бирлар ўтказмоқда, «Тик-ланиш гурунглари» клубла-ри ташкил этилмоқда. Ёшлар ўртасида ишислиқ-ни йўқотиш масалаларига, бўш вақтини мазмунли

ўтказиш, спорт, турли миллий ўйинлар билан машғул бўлиш, ёт ва зар-рари гоаяларини кириб келишига йўл қўймастик, миллий истиқлол мафкура-сига, она-Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбия-лаш қаратилган суҳбат-лар олиб борилмоқда.

Маълумки, Олий Маж-лис ҳамда халқ депутатла-ри вилоят, туман ва ша-ҳар кенгашларига сўнги сайловлар жараёнида қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлис икки палатали парламен-т тизимига ўтди. Ўзбекистон Миллий тикланиш демок-ратик партияси аъзолари жуда катта сиёсий жараён бўлган сайловларда фаол қатнашиб, партиялар ўрта-сида 59 нафар номзод кўрсатиб, шундан 11 нафа-ри Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси қонун-чилик палатаси депутатли-гига сайланди, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси-да ўз фракциясини тузган бўлса, улар орасидан 2 на-фар депутат Тошкент ви-лоятдан сайланди.

2005 йилнинг 27-28 ян-вариде Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғили-шида Президентимиз Исо-лом Каримовнинг қилган маърузасида «Миллий тик-ланиш» партияси халқимиз тақдири, қисмати билан узвий ва чамбарчас болгик партия эканлигини, сиёсий куч сифатида ўзини намоён қилишда ҳали анча фаол-лик зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу эса сафдош-ларимизни янада руҳлан-тирди, ҳар биримизга ул-кан масъулият юкледи.

Зеро, улуг аллома Му-наввар қори Абдурашидох ўғли айтганлариде: «Жан-нат каби гўзал юртинг бу-гун сендан иш кутади!»
Шарифа САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП Марказий кенгаши хотиби,
ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан шаҳар, туманлар партия ташкилотлари фаолиятини шакллантириш, сиёсий майдонда ўз ўрнини топиш мақсадида кўпгаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ИСТИҚБОЛНИ КҶЗЛАБ

Бугунги кунда вилоят-нинг 21 та шаҳар ва туман-ларида ЎзЛиДеП кенгашла-ри фаолият кўрмоқда. Уларнинг таркибига асосан партия гоаяларини қўлла-қувватловчи тадбиркорлар, фермерлар, зиёлилар ки-ритилди. Айни пайтда партия аъзолари 11175 нафар кишига етди.

Уларнинг 42,4 фоизи ёшлар, 33 фоизи аёллар. Тан олиш кераки, партия фаоллари бугунги ҳаёт ол-димизга қўйган муаммо-ларни биргаликда ҳал этишлари учун кўп меҳнат қилишлари, изланишлари керак. Биз олиб бораётган ишларимиз халққа тушу-нарли ва ҳаммабоп бўли-шига ҳаракат қиляпмиз. Деярли ҳар кун партия-нинг шаҳар ва туман ке-нгашлари ташаббуси билан ўтказилаётган учрашувлар, тренинглardan қўзлан-диган мuddао ҳам битта: халқнинг ичига кириб бо-риш, дардига озми-кўпми малҳам бўлиш, шунинг учун ҳам биз асосий диққат-эътиборимизни партия да-стурида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқ-қан ҳолда, ишбилармонлар, тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялашга, хусусий корхоналар, ишлаб чиқариш мажмуалари, янги иш ўринларини яратиш, ишисизлар сонини камайти-ришга ҳаракат қиляпмиз.

Бу борада аниқ ишлар қилини ҳам. Жумладан, шу йил Бўстонлиқ тумани-да бўлиб ўтган «Еш тадбир-корлар форуми» ҳамда меҳнат армаркасида туман-даги 60 нафардан ортиқ тадбиркор ўз маҳсулотла-ри билан иштирок этди. Ту-ман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркасида қатор қарорлар қабул қилди. Унинг ижросини таъминлаш учун шаҳар ва туманларда кўпгаб тадбирлар, ўқув машғулотлари ўтказилди. Айни кунда ана шу фер-мерларнинг кўпчилигини ўз сафларимизга жалб қилиш мақсадида уларнинг муам-моларини, олдиларида тур-ган кийинчиларни ўрга-наямиз.

Ўзбекистон Республика-си мустақиллигининг 14 йиллик байрами жойларда кўтаринки руҳда ўтказил-япти.

Байрам руҳи барчанинг қалбиде юрт келажига бўлган ишонч, партияимиз-га бўлган эътиборни мус-таҳкамласин. Хонадонла-римиздан файз-барака ари-масин. Тадбиркорларимиз янада кўпайиб, давлатимиз иқтисоди юксалаверсин.

Абдураззоқ ОТАЖОНОВ,
ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари.




Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси жамоаси
кўп миллатли Ўзбекистон халқи ва барча ҳамкасбларини
Ватанимиз истиқлолининг 14 йиллиги байрами билан табриклайди!
Мустақил Ватанимиз равнақи,
тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган
ҳамюртларимизга ушбу кутлуғ ва қувончли кунларда бахт-иқбол,
тинчлик-тотувлик, кут-барака тилаймиз!

Бўка туманидаги 8-ўрта таълим мактаби жамоаси янги ўқув йилини янги бинода бошлайдиган бўлди. Замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси билан жиҳозланган мактабда ҳадемай биринчи кўнгирак янграйди.



Даврон АҲМАД олган сурат.

Хўжакент ва Сижак қишлоқларини туташтирувчи янги кўприк Бўстонлик тумани хуснига хусн кўшди. Чирчиқ дарёси устига қурилган Муस्ताқиллик иншоотининг эни 10 метр, узунлиги 234 метр бўлиб, туман аҳли узоғини яқин қила бошлади.



Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

«Боғишамол» ошхонаси Ангрэн шаҳрида Муस्ताқиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган иншоотлардан бири бўлди. Ушбу ошхона Тошкент-Ўш халқаро йўналишида қатновчи йўловчиларга узок масофадан сўнг бир муддат тўхтаб, тамадди қилиш ва ҳордиқ чиқариш имконини бермоқда.



Даврон АҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Халқ ҳўжалигини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор режаларнинг тўла амалга оширилиши кўп жиҳатдан капитал қурилишга боғлиқ, деб бежиз айтилмаган. Вилоятимизда иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган бу соҳани ҳар томонлама юксалтиришга, унинг замон талаблари даражасида бўлишига катта эътибор берилмоқда.

Муस्ताқиллик йилларида капитал қурилишда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бинокорларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Ҳозирги кунларда вилоятимизнинг қайси шаҳар ва туманига борманг, катта ҳажмда олиб борилаётган қурилиш ишларининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, республикамиз Муस्ताқиллигининг 14 йиллиги арафасида вилоятимиз чексиз қурилиш майдонини эслатди. Бу қутлуғ айёмни муносиб қутиб олиш учун қурувчиларимиз шаҳар ва қишлоқларда кўплаб катта-кичик иншоотларни барпо этдилар ва уларнинг аксариятини фойдаланишга топширдилар.

БУТУН ҲУДУД ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ

Ушмалар, ҳомийлар ажратган кўп миқдордаги сармоялар ҳам шу соҳага сарфланди. Шу даврда умуман вилоят аҳолисини, айниқса, қишлоқ хонадонларини «зангори олов» ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашда яна бир довон ошилди. Салкам икки юз километр узунликдаги янги газ ва 63,1 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу билан юзлаб оилалар бу қулайликлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Исталган аҳоли истиқомат жойларига борсангиз, албатта, хусусий уй-жойлар қурилишининг устидан чиқасиз. Бу халқимиз фаровонлиги охирига бораётганлигидан далолат беради. Кўпгина оилалар энг азиз байрамни ўз маблаглари ҳисобига қурилган шинам уйлари Бундан ташқари, нодавлат

нинг кўпи замонавий пухталлиги, кўркамлиги, икки-уч қаватлиги билан ажралиб туради. Маҳалла гузарларини барпо этиш ҳам тўхтовсиз давом этди. Улар асосан халқимизнинг қадимий аънанаси — ҳашар йўли билан тадбиркорлар ҳомийли-

гида бунёд этилмоқда. Ўндан ортиқ маҳаллада шундай муассаса фуқаролар иктиёрига топширилди. Ушлаб янги мактаблар қурилди, мавжудлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Бу йил спорт иншоотлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирга келиб уларнинг сони тўрт мингтага яқинлашиб қолди. Зангиота, Оққўрғон, Охангарон, Куйичирчиқ, Тошкент туманлари, Ангрэн, Бекобод шаҳарларида шундай иншоотлар ёшу кексаларга хизмат қилмоқда.

Биргина Зангиота туманида қатор иншоотлар байрам арафасида қуриб битказилди. «Гулистон» ширкат ҳўжалигида 216 ўқувчиға мўлжалланган янги мактаб, «Дўстлик» ширкат ҳўжалигида янги қишлоқ шифохонаси қурилди. 4,5 километр узунликдаги ичимлик сув қувурлари ётқизилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«КўТАРМА»ДА ЯНГИ ГУЗАР

Шу кунларда Ўртачирчиқ тумани маркази ва унинг барча қишлоқларига борсангиз, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Ҳамма жойда катта-кичик турли иншоотлар қад кўтармоқда.

Бинокорлар республикамиз муस्ताқиллигининг 14 йиллигини муносиб ютуқлар билан қутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Янги-янги мактаблар, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар, маҳалла гузарларини барпо этишмоқда. Яратувчиликда туман ишбилармонлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Тад-

биркор Маҳмуд Эгамбердиев бундай хайри ишға қўшилиб, «Янги турмуш» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги «Кўтарма» маҳалласида «Чорраҳа» гузарини ишға туширди. Утган йилнинг ўрталарида қурилиши бошланган бу ҳашаматли иншоот кунга кеча тўла битказилиб, фойдаланишга топширилди. Илгари

қаровсиз, ташландиқ бўлган жойда қад кўтарган гузар эндиликда теварак-атрофға фойз қиритиб турипти. Унинг 180 ўринли ёпиқ, 60 ўринли очиқ тўйхона ва маросимлар ўтказиш залларига қадимий ва замонавий мейморчилик асосида пардоз берилган ва безатилган. Бундан ташқари гузарда новвойхона ҳам ишлаб турипти. Дориҳона, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар маҳалла меҳнаткашлари хизматиде. Бу ерда 20 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Даврон АҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.


«БУНЁДКОР»

кўп тармоқли фирмаси жамоаси

Ўзбекистон халқини, вилоятимиз меҳнат аҳлини эзгулик рамзи бўлмиш

Муस्ताқиллик байрами

билан қутлайди!
Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси, қишлоғу овуллари, маҳаллаю кўчалари кўркам ва обод бўлишини, юртдошларимизнинг қалбларида эса самимий ва эзгу амаллар ҳамиша барқ уришини тилаймиз. Яхши ниятла бошлаган бунёдкорлик ишларингизда «Бунёдкор» сиз билан камарбастадир.




ҲАЛОЛЛИК – БОШ МЕЗОН

Вилоят ҳокимлигида ижтимоий объектларни қуриш ва таъмирлаш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди. Унда Бўка ва Пскент туманларидаги бир қатор тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича талабгор қурилиш ташкилотларининг тақлифлари қуриб чиқилди ва «Бунёдкор» қурилиш ташкилотининг тендер комиссиясига тақдим этган меъърий ҳужжатлари тасдиқланди ҳамда барча объектлардаги таъмирлаш ишлари ушбу корхонаға топширилди.

Сўнгги пайларда ижтимоий объектлар бўйича вилоят миқёсида ўтаётган тендерларни кузатсак, объектларни аксарият ҳолатларда кўп тармоқли фирма «Бунёдкор» корхонаси қўлга киритаётганлигини кўриш мумкин. Ҳўш, бунинг боиси нимада? Корхона раҳбари Баҳром Гафуров бунини шундай изоҳлайди: — Ҳалоллик бор жойда доим баража бўлади дейишади. Муваффақиятларимизнинг бош омилли баки шудир. Мижозларнинг ишончини оқлаш, уларнинг дидлари ва талабларидан келиб чиқиб, ишлаш доим оғир кечади. Аммо, рақобат мўҳитида ёриб чиқиш ва ўзимизни кўрсата олишға ҳаракат қилаймиз.

Даставвал 3-4 нафар киши билан оддий қурувчи гуруҳини ташкил қилиб, турли хусусий объектларда ишлаган бўлсак, кейинчалик жамоамизни кенгайттирдик. Секин-аста техникалар сотиб олдик. Давлат объектларида ёрдамчи ташкилот сифатида ишлаб бошладик. Тўғри, қийинчиликлар жуда кўп бўлди. Ҳатто, шу даражадаки, ўзимнинг хусусий автомобилда кира қилиб, ишчиларға нонушта ва тушлик олиб берган вақтларим ҳам бўлди.

Кўрида таъкидлаганимдек, бошидан ҳалоллик ва ростгўйлик асосида меҳнат қилишимиз боис бугун мана шундай ютуқларға эришиб турибмиз. Дарҳақиқат, ҳозир корхона анча кенгайди. Айни пайтда жамоада қарийб 400 нафар қурувчи ишляпти. 2005 йилнинг ўзида корхонада 100 га яқин иш ўрни яратилди ва вилоятимиз ёшлари иш билан таъминландилар. Бугун вилоят ҳокимлиги ҳам ушбу ташкилотта объектларни ишониб топширмоқда. Чунки, у ишончини тўлиқ оқлади. Охангарон, Бўка, Пскент туманларидаги касб-хўнар коллежлари, мактаблар ва махсус ин-



«Угам-Чотқол»

Давлат табиат миллий боғи жамоаси

мустақиллик, эркинлик нашидасини суриб меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, шу жумладан, табиат муҳофазаси учун жонбозлик кўрсатаётган ўз ҳамкасбларини энг улуғ, энг азиз байрам билан самимий қутлайди!

Она диёримизнинг бетакрор, гўзал, сўлим табиати ҳеч қачон завоқ кўрмасин! Шу жаннатмакон юртда яшаб, меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг турмушлари фаровон, дастурхонлари тўкин-сочин, бахтлари барқарор бўлсин!



Оҳангарон туманидаги «Авазхон» фермер хўжалиги жамоаси

вилоятимиз меҳнаткашларини энг улуғ байрам –

Мустақилликнинг

14 йиллиги

билан самимий муборакбод этади!

Мамлакатимиз осмони

ҳамиша мусаффо, хонадонларимизда

тўй-томоша бўлаверсин!

Кўнгилларда истиқлол ифтихори

барқ ураверсин!

Бўлиқ кўсақлар катта хирмондан дарак

Янгийўл туманидаги «Ковунчи» ширкат хўжалиги бу йил 361 гектар майдонда пахта етиштирмоқда.

Барча жойда бўлгани каби бу хўжаликда ҳам асад оий пахта ҳосили тақдирини ҳал этадиган, пудратчилар юзини ёруғ қиладиган ой эканлиги боис ҳозирги кунгача гўза уч марта сугорилди. Иложи борича шарбат усулида сугоришга ҳаракат қилинди. Бир гектар майдонга 3 тонна парранда, 2 тонна мол гўнги шарбат қилиб оқизилди. Шунинг ҳисобига ҳозир гўзадаги кўсақлар сони 10 тагача етди. Гўл ва кўсақлар тўкилишининг олди олинди.

Гўза қатор ораларига вақтида сифатли ишлов бериш, яъни култивация ишлари ҳам кўнгилдагидек, 7 та чопик трактори юксак унум билан ишлатилди.

— Кузатган бўлсангиз, «оқ олтин»дан мўл ҳосил олишимиз учун барча ишларини кечиктирмасдан амалга оширмоқдамиз, — деди хўжалик бошқаруви раиси Эргаш Музаффаров. — Лекин, шу ойда беҳафсалалик қилинса, ҳамма иш кўкка совурилади.

Бундай бўлмаслиги учун мавжуд ҳосилни турли зараркунандалардан ҳам сақлашимиз керак. Ойлаб меҳнат қилиб, охирига келганда пахтани зараркунандаларга едиришга йўл қўйиб бўлмайди. Уларга қарши жиддий чоралар қўрилмаса, пахта далаларида кўсақ

қурти ёппасига кўпайиб кетиши мумкин.

Хўжаликда турли ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашишда биологик усул қўлланилди. Худуднинг ўзида биологическая лаборатория йўқлиги боис, кўшни «Ниезбош» ширкат хўжалиги лабораториясидан «Олтин-кўз», «Трихограмма», «Хабробракон» олинди. Май ойидан буён ўргимчаккана-



СУРАТЛАРДА: Уртачирчик туманидаги А. Икромов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Турсунмат Божаров механизатор Муҳиддин Турдубоев билан сўнги култивация сифатини кўздан кечирмоқда; Окўргон туманидаги «Жаҳонгир» фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Окунов сўнги сугоришни яқунламоқда.

Даврон АХМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

га қарши курашиш учун ИСО препарати уч марта ишга солинди. «Қишлоқхўжаликимё» жамиятининг туман бўлимидан олинган феромон тутқичлари ҳар 2 гектарга биттадан ўрнатилди. Улар кўсақ қурти қаплагининг учини вақтини аниқлаш учун рақамлаб қўйилиб, ҳар куни назорат қилиб борилди. Ушбу тутқичлар кундузи олиб қўйилиб, кечки пайтлари ўрнатилиб, олимлари уч кунда ва капсулалари етти кунда алмаштириб борилди.

Бундан ташқари, ўргимчаккана пайдо бўлмаслиги ва кўпайиб кетмаслиги учун қаттиқ назорат ўрнатилди. Бунинг учун ҳар 50 гектарга бир нафардан, жами 7 нафар назоратчи қўйилди. Улар зараркунанданинг ёппасига кўпайиб кетишининг олдини олиш бўйича профилактик ишловлар ўтказишди. Шунга яраша кузатувчиларнинг ой-

лик иш ҳақи 30 минг сўм қилиб белгиланди. Хўжалик раҳбарияти томонидан уларнинг масъулиятини ошириш учун қўшимча имтиёзлар яратилди. Бошқа касб эгалари ҳам ўз иш ҳақларини кечикмасдан олиб турибдилар. Мироблар бир гектар ерни сугорганлари учун 3 минг сўм ортиги билан олишса, механизаторларга бир гектар култивация учун 600 сўм ҳақ тўланди.

— Кейинги беш йил давомида давлатга пахта сотиш режасини ортиги билан бажариб келаётган эдик, — деди хўжалик бошқаруви раиси. — Фақат ўтган йили ишимиз орқага сурилди, режа 90 фоизда қолди. Бу йил ана шу хатоимизни тuzатиш учун барча имкониятларимиз етарли.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Фаровонлик ўз қўлимизда

Мустақиллик шарофати билан инсон омилига эътибор кучайди. Бунинг қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, биз, фермерлар ҳар куни ҳис этиб турибмиз. Ислохотлар бизни ташаббус кўрсатиб ишлашга, тажрибани ишга солишга даъват этаяпти. Меҳнат кишиларига яхши иш шароитлари яратиш ҳаракатидамыз. Чунончи, бош пудратчи бўлган кезларим тажрибали сувчилар билан бир муаммони ҳал қилиш юзасидан маслаҳат қилганимиз ёдимдан чиқмайди.

Хўжалигимизнинг 75 гектар ери асосан насослар ёрдамида сугориларди. Ёқилги ва қўшимча иш уринилари харажати кўпайиб, пахтадан оладиган даромадларимизга ағчагина таъсир курсатарди. Шуни ҳисобга олиб, уста пахтакорлар билан маслаҳат асосида йирик қувур ўрнатишга қарор қилдик. Бу ишда ташқаридан курсатиладиган ёрдамга қараб ўтирмадик. Қувурларни сотиб олиш, ташиб келиш ва техникалар ёрдамида ўрнатиш ишларига ўз маблагимдан бир ярим миллион сўм сарфладим. Натийжа биз кутгандай бўлди. Экинларимизни қувурлар орқали келадиган сув билан сугора бошладик. Кейинчалик шу майдоннинг 30 гектарда фермер хўжалиги ташкил етдим. Иагор тажриба асосида ишларни тўғри ташкил эта олганлигимиз сабабли 9 гектар майдондан 51 центнердан бугдой олдик. Шартнома мажбурияти бўйича 15 тонна бугдойни давлатга топшириб, қолганини 13 нафар ишловчига бир тоннадан тақсим-

ладик. Мустақиллигимиз шарофати билан кўпайиб майдонларга бугдой экилиши, бир томондан энг улут неъматимиз нон кўпайишига олиб келди. Яна бир муҳим томони, галладан бушаган майдонларга иккинчи экин экилиш масаладан унум катта мадад бўлаяпти. Шундай ерлардан ҳар бир ишловчига бир гектардан тақсимлаб бераёلمиз. Улар уларни хоҳлаган экинларини экиб, парвариш қилишмоқда.

Ҳосилдорликни ошириш, экинларни бир хилда ривожлантириш мақсадида биз минерал ўғитларнинг бир қисмини зарур деб топилган майдонларга қўлда сепиб чиқамиз. Шундай йул билан бугдойдан яхши ҳосил олаёلمиз. Пахтачиликда ҳам катта хирмон кўтариб, мўмай даромад олишимизга ишончимиз комил. Бу муваффақиятлар қишлоқда амалга ошириладиган ишлашнинг самарасидир.

Бўрибой ХУДОЙНАЗАРОВ, фермер, Бўка тумани.

ЭКСПОРТ ЕТТИ БАРОБАР ОШДИ

2005 йилнинг етти ойи давомида қорақўл териларини хорижга экспорт қилиш ўтган йилга нисбатан етти баробар кўпайиб, 0,75 миллион долларни ташкил этди.

Хорижлик харидорлар ўртасида Ўзбекистоннинг қорақўл терисини ва маҳсулотларини сотиш бўйича доимий фаолият юритаётган Республика улғуржи савдо ярмаркаси тобора эътибор қозонмоқда. Мазкур ярмарка жорий йилнинг июлда иш бошлаганига қарамай, фаолиятининг иккинчи йили давомида 0,3 миллион доллардан

зиёд қийматдаги шартномалар тузилди. Мамлакатимиз қорақўлчиларининг маҳсулотларига Италиянинг «Арабелла» фирмаси, Россиянинг «Руно Индустри» масъулияти чекланган жамияти, Тюркиянинг «Туркистон» вакиллари катта қизиқиш билан қараляпти. «Туркистон-пресс».

БАХТИМИЗ ОМИЛИ

Ҳаётим пахта билан боғлиқ, десам хато бўлмас. Ёшлигимдан далада меҳнат қилиб яшадим. Илгари доим юқоридан бўладиган кўрсатмалар асосида ишлар эдик. Мана, мустақилликка эришгач, ер ўз эгасига, яъни деҳқонга берилаяпти.

Биз ҳам ўз оила пудратимизни ташкил этдик. Шукурки, меҳнатларимиз бесамар кетмади. Ҳозирги шароит ҳар биримиздан билим ва тажрибани ишга солиб, ердан унумли фойдаланишни, юрт раванқига салмоқли

ҳисса қўишни тақозо этади. Оила пудратимизга қарашли 44 гектар майдондаги гўзаларимизнинг авжи кўзни қувонтиради. Бу билиб қилинаётган меҳнат натижаси, албатта.

дагига қараганда баракали ҳосил олишга замин ярата олдик. Мақсадимиз 45 центнердан сифатли пахта топшириш.

Бизга шундай имкониятларни берган Мустақиллик, Эркинликдир. Қўлтуғ байрамни оиламиз даврасида қувонч билан қутиб олмақдамиз.

Мамажон ҒОҒУРОВ, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.



**14 йил – тарих учун оз фурсат.
Бироқ, Ўзбекистон ана шу
қисқа вақт оралиғида
асрларга тенг оламшумул ютуқларни
қўлга киритди.**

**Бу албатта, мустақиллик,
халқимиз эришган истиқлол туфайлидир.
Шундай экан, уни асраб-авайлаш,
қадрига етиш, Ватанни тараққиёт йўлидан
олға бошлаш ҳар бир фуқаронинг
шарафли бурчидир.**

«ТОШВИЛОЯТГАЗ»

ҳудудий корхонаси

**сизларни эзгулик байрами –
истиқлол айёми билан муборакбод этади!**

**Юртимиз тинч,
маҳаллаларимиз файзу баракотли,
мустақиллигимиз боқий бўлсин!**

«Оҳангаронцемент»

ҳиссадорлик жамиятининг кўп сонли жамоаси
сиз азиз юртдошларни энг улуг ва мўътабар айём –
мамлакатимиз истиқлолининг
14 йиллиги
билан муборакбод этади!

Азиз ҳамюртлар!
Бугун жонажон ўлкамиз кенг бунёдкорлик
майдонига айланган.
Юртни обод қилиш,
уни гулу гулзорларга айлантириш йўлида
турли тадбирлар амалга оширилмоқда.
Бу ишларда бизнинг камтарона
ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз ва
бундан буён ҳам бор имкониятларимизни
ишга солиб меҳнат қиламиз.
Барчамизга истиқлол муборак бўлсин!

Азиз Ватандошлар!
Заҳматкаш ва
бағри кенг халқимиз
муствақилликда босиб ўтилган

14 йиллик

тараққиёт йўли
барчамизга муборак бўлсин!
Ҳар бир хонадонга
эзгулик уруғини сочган истиқлол
юртимизнинг озод ва обод бўлиб,
буюк келажагини
бунёд этишига кенг йўл очсин.
Қалблардаги эзгу истаклар ва
хайрли амаллар
барчамизга ҳамроҳ бўлсин.
Бу йўлда

«Ўзметкомбинат»

ҳиссадорлик жамиятининг
кўпнинг сонли жамоаси
сизларга камарбастадир.

Вилоят «Дори-дармон»




акциядорлик компанияси жамоаси
мамлакатимиз фуқароларини

Муствақилликнинг

14 йиллиги

билан қутлайди!

Барча юртдошларимизга,
касбдош дўстларимизга
соғлиқ-саломатлик,
бардамлик, хуш кайфият,
бахт ва омад
йўлдош бўлсин!



Халқимизда «асрларга татигулик йиллар» деган ибора бор. Мустақилликда кечган 14 йил ичида ҳақиқатан ҳам юртимизда асрларга татигулик улкан ўзгаришлар юз берди.

навий ҳижатдан ҳам чиққизиришига амин бўлдим. 2003 йилнинг 12-15 июнь кунлари Грецияда таъқвондо бўйича XIII жаҳон че-

ВАТАН БАЙРОҒИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Бугун Ватанимизда бўлаётган иқтисодий, маънавий юксалишлар ва халқ бахт-саодати йўлида қилинаётган улкан ишлардан дунё хабардор. Истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистон довуғуни оламга таратаётган юзлаб соҳалар орасида спортнинг аҳамияти беқиёсдир.

Кўплаб спорт турлари каби таъқвондо ҳам республикамизда мустақилликдан сўнг ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ҳозирги кунда у энг оммавий ва ёшларимиз қизиқиш шугулланадиган спорт турларидан бирига айланди. Республикамиз таъқвондочиларининг жаҳон майдонларида кўрсатаётган жасоратлари эса ҳар қанча

мақтовга арзийди. Уларнинг юксак маҳоратлари туфайли дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларида Ватанимиз байроғи ҳилпираб, мадҳиямиз янгради. Бир пайтлар таъқвондо мусобақаларида етакчилик қилган Корея, Хитой ҳамда Япония спортчилари ҳам бугун ўзбекистонликлар билан рўбарў келганда ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлмоқда. Зотан, Ўзбекистон ҳамиша марду баҳодирлар юрти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Мен 7 ёшимдан каратэ билан шугулланишни бошлаган бўлсам, 15 ёшдан таъқвондога иҳлос қўйдим. Ҳаётда спорт кишини нафақат жисмоний, балки маъ-

пионати ўтказилган эди. Ана шу чемпионат менинг ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган. Ушанда 14 спортчида иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам медаллар учун кураш олиб боришган. Мен бронза медали билан юртимизга қайтганман. Ушбу ва бошқа ютуқларни қўлга киритишимда Таъқвондо миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов ҳамда 4-дан қора белбоғ соҳиби Фахриддин Умаровнинг хизматлари беқиёс.

**Элмурод ТОЖИБОВ,
Жаҳон чемпионати
совриндори,
Чиноз тумани.**

ЕВРОПАДАГИ МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

Шу йилнинг июль ойида юртимизда анъанавий «Iyef таъқвондо» маркази ташкил этилган эди. Қисқа фурсат ичида шаклланган мамлакат терма жамоаси аъзолари Германиянинг Дордман шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, муҳлислар ишончини оқладилар.

Бундай йирик мусобақада ҳамюртларимиз илк бор татамига чиқишларига қарамай, 65 дав-

латнинг беш юздан ортиқ спортчилари орасида яхши натижага эриша олишди. Мутлоқ вазн то-

ифасидаги жанларда тажрибали спортчимиз Темур Нуралиев муносиб иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлди. Ёш, аммо маҳоратли таъқвондочиларни камол топтираётган мамлакатимиз делегациясининг чиқишлари хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳола-ниб, пойтахтимизда китъа чемпионати ва турли ўқув семинарларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар билдирилди. Эндиликда юртимиз жамоа аъзолари ноябрь ва декабрь ойларида Испания, Италия ва Санкт-Петербургда ўтказиладиган халқаро турнирларга тайёргарлик кўришмоқда.

«Туркистон-пресс».

ВЕЛОПОЙГА МУСОБАҚАСИ

Тошкент вилоятида республикамизнинг энг сара спортчилари иштирокида велопоёга мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Чемпионатнинг Чирчиқ-Чимён йўли бўйлаб ўтказилган биринчи босқичида сирдарёлик Алексей Стирновга тенг келадиган рақиб топилмади. Бир неча марра чизигига эга бўлган халқа йўлларидаги поёгада наманганлик Владимир Тихаев биринчиликини қўлга киритди. Жуфтлик мусобақаларида ҳам голиблар аниқланди. Голиблик шарафига Улғубек Содиков ва Фаргона вилояти вакили Филки Виновлар сазовор бўлишди. Мусобақа давом этмоқда.

«Туркистон-пресс».



БОКСЧИЛАРИМИЗ ВЬЕТНАМГА ЖўНАБ КЕТИШДИ

29 августдан 5 сентябрга қадар Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бокс бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этиб, ўн бир вазн тоифаси бўйича рингга чиқишади.

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуасида бокс бўйича терма жамоамиз аъзолари якунловчи ўқув машғулотларини ўтказишди. Вакилларимиз бу йилги Осиё чемпионатида юқори натижаларга эришишлари зарур. Чунки ушбу мусобақада бош совринни қўлга киритган спортчилар жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Айтиб ўтиш керакки, юртимиз боксчилари Осиё бокс таснифига кўра кучли ўликдан ўрин эгаллашган. Чемпионатда юртимиз спортчиларига Хитой, Таиланд ва Жанубий Корея боксчилари асосий рақиб бўлиши кўтилмоқда. Осиё чемпионатида ғадар спортчи-

ларимиз уч босқичли тайёргарлик машғулотларини ўтказдилар. Чемпионатда 48 кг да Олимжон Назаров, 51 кг да Тўрашбек Дониёров, 54 кг да Баҳодир Султонов, 57 кг да Бөхзод Хидиров, 60 кг да Улғубек Бурибоев, 64 кг да Дилшод Маҳмудов, 69 кг да Шерзод Хусанов, 75 кг да Шерзод Абдураҳмонов, 81 кг да Уткир Хайдаров, 91 кг да Жасур Матжонов ва 91 кг дан юқори вазнда эса Рустам Саидов Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Боксчиларимиз терма жамоа бош мураббийи Шароф Худойбердиев бошчилигида Вьетнамга жўнаб кетишди.

«Туркистон-пресс».

Мустақиллик байрами арафасида Қуйчириқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги ёшлари ажойиб совғали бўлди. 30 йилдан буён бирор марта ҳам таъмирланмай, анча тўзиб қолган спорт мажмуаси «Бинокор А» қурилиш фирмаси томонидан 70 кун ичида тубдан қайта тикланди. Бу ерда болалар спортини ривожлантириш учун барча имкониятлар муҳайё. Спорт зали, ечиниш, ювиниш, дам олиш хоналари ҳамда шинам ошхона мавжуд. Айни кунларда янги спорт мажмуасида хўжалик ҳудудидаги 5 та ўрта таълим мактабининг 300 га яқин ўқувчилари машғул ўтказмоқдалар.

Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ – «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ГОЛИБИ

Вилоят марказидаги «Хумо» мажмуасида олти кун давом этган мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган анъанавий «Челленжер» халқаро турнири баҳслари ниҳоясига етди.

Унда 18 мамлакатдан таклиф этилган 32 нафар ракетка устаси голиблик учун кураш олиб борди.

Бошқалардан кўра тўғри тактика танлаган Ила Бозолжақ (Сербия-Черногория) ва мамлакатимиз вакили Денис Истомин учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, финалда куч синашди. Биринчи сетда юрдошимиз 6:4 ҳисобида устун чиқди. Кейингисиде Иланинг омади келди – 6:7. Кўшимча сетда аник ҳаракат қилган Денис 7:5 ҳисобида галаба қозониб, биринчи ўринни қўлга киритди.

ЎзА.

ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионатининг олий лигасида 17-тур беллашувлари голларга бой бўлди, Тошкент шаҳри, Сарносиё, Бухоро ва Ғузордаги учрашувларда қўтилмаган натижалар қайд этилди.

Амалдаги мамлакат чемпиони – Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Нефтчи» футболчилари билан куч синашди. Асосий рақибларидан бирига қарши тўп сурган «Пахтакор» вакиллари ўзини анча шиддатли бошлади. Айниқса, Павел Соломин, Анвар Солиев, Сервер Жепаров томонидан уюштирилган ҳужумлар хавфли бўлди. Ҳисоб 14-дақиқада очилди. «Пахтакор» ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Алексей Николаев узоқ масофадан аниқ зарба бериб, «Нефтчи» посбони Ғайрат Хасановни доғда қолдирди – 1:0.

Уйининг иккинчи ярми ҳам мезбонлар устунлигида ўтди. Шу кунги фаол ўйнаган Анвар Солиев фарғоналик ҳимоячилар хатосидан унумли фойдаланиб, чемпионатдаги ўн бешинчи голини урди – 2:0. «Нефтчи»ни икки гол фарқи билан мағлуб этган пахтакор-

чилар биринчи ўринга кўтарилиб олиш учун қулай имконга эга бўлди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» (Наманган) – «Металлург» – 1:0, «Шўртан» – «Сўғдиёна» 2:0, «Насаф» – «Тўпаланг» 0:2, «Бухоро» – «Локомотив» 4:3, «Трактор» – «Машъал» 3:5.

Мусобақа жадвалида ўн етти та учрашудан ўн учтасида голиб чиққан «Насаф» футболчилари 41 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи поғонада турган пахтакорчилар қолдирилган учрашувда Навойининг «Қизилқум» жамоасини мағлубиятга учратса, очколар ҳисобида қаршиликларга етиб олади. Асосий таъқибчилари мағлубиятидан фойдаланган «Машъал» жамоаси 34 очко жамғариб, учинчи поғонага муқим ўрнашиб олди.

ЎзА.

Акциядорлик-тижорат

«РАХТА BANK»

нинг Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси


Ўзбекистон халқини, вилоятимиз аҳлини Мустақилликнинг 14 йиллиги билан қутлайди!

Хирмонларингиз баракали, дастурхонингиз тўқкин бўлсин!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ Тошкент филиали жамоаси

Юрдошларимизни Мустақиллик байрами билан самимий табриклайди! Почта хизматларидан фойдаланаётган барча миҳозларимизга, пенсионерларимизга ва обуначиларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Ҳурматли Ватандошлар! Барча почта алоқа бўлимлари коммунал хизматлар – газ, электр энергияси, телефон алоқаси, сув таъминоти ва бошқа хизматлар ҳақларини тўлашингиз ҳамда хоҳлаган газета ва журналларга обуна бўлишингиз учун зарур қўлайликларни яратиб беришда ўз ёрдамини аямайди. Ватанимиз тинчлиги, равнақи, юксалиши, гуллаб-яшнаши йўлида камтарона меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшаётганимиздан, ҳамиша эл хизматида эканлигимиздан фахрланамиз.



Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

МУСАФФОЛИК АРО ЧАҚНАДИ ЮЛДУЗ

— Осмон йироқ, ер қаттиқ, болам... Опоқ сочлари ёйилиб кетган оназорнинг аламли кўзёшлари боланинг вужудини титратиб юборди.

— Ойи, ойижон, йиғламанг, — у онасининг этакларига ёпишди. — Ҳаммаси ўзгаради, мен ишлайман!

— Қасрда ишлайсан, болам? Қанақа иш? Шу ёшингда-я? Шу бийдай адирада ким сента иш бераман деб турибди? — Ўғлини бағрига олди она.

— Кўрасиз, ойи, ҳаммаси ўзгаради! Она бу гапни эшитиб, аччиқ кулди.

— Қизил қор ёққанидами? — Ундай деманг, айтдим-ку, катта шаҳарга кетамиз деб...

Ойхон ишонмайди, фақат оққунгил, ишонувчан ўғлининг бошинини бехол силайди, холос. Болагинани катта бир шаҳарга қандайдир бир танловга олиб боришди-ю, у шундай хаёлпараст бўлиб қолди.

риб қўйяпти, бечорагинанинг. Шу пайт Алиқора дашти устидан чанг кўтарилиб, бир машина кўринди.

— Айтмабидим?! Алдамайди демаганмидим?! Биз Тошканга кетамиз энди!..

Бу орада машина тўқилиб, қулай-қулай деб турган кулба ёнида тўхтади. Ундан биринчи бўлиб тушган акасини кўрди-ю, Ойхон ўзини қўлга олди.

— Шундай иқтидорли ўғлингиз билан фахрланамиз, — деди у. — Эрта-индин коллежимизда ўқишлар бошланади.

Ойхоннинг тиззалари жонсиз бўлиб қолди, акаси қўлтигидан олмагаганида йиқилиб тушиши аниқ эди.

— Ойхон, — деди у ниҳоят синглиси ўзини ўнглаб олганини сезгач. — Бу киши технология коллежидан экан.

— Болам, болагинамни ёлғиз қўйиб юбормайман, — Ойхон шундай деди-да, нотаиниш кишига ўғиридди.

— Опа, биз Абдуҳамид билан гаплашганмиз. Мана, йўл-йўлакай акангиз билан фикрлашиб келдик.

Ойхон тин олиб, акасининг кўксига бош қўйди. У севинч ёшларини тиймай қолганди...

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ

Давр тақозоси билан корхонадаги алмосқудан қолган ёзув машиналари ўрнини замонавий компьютерлар эгаллай бошлади.

Шу тарзда етакчи бўлимлардан биринга ҳам мукамал шундай техника насиб этди. Уни хонага олиб кириб ўрнаштиришда, электр қувватига уландирилган симлари қўйилган, тақсимлагич кераклиги маълум бўлиб қолди.

— Энди, шунча нарсани олиб бердик, трояикни ўзингиз амалларсиз, — ҳазиллашди бошлиқ.

Ходимлардан бири Ҳақлибой дарҳол дўкандан зарур «зорманда»ни олиб келди.

Қиммат машинани эҳтиёт қилиш учун хона эшигига қўшимча қўлф ҳам ўрнатилди.

Қуларнинг бирида ҳамчонаси хаёл билан қўшимча қўлф калитини олиб кетиб

қолди-ю Ҳақлибой анча ўйлаб, минг бир андишада яқка қўлф билан беркитиб, уйга жўнади.

Эртаси ишга келган ҳамкасблар компьютерни ёқай дейишса, тақсимлагич йўқ.

— Тройник қани, — сўради улардан бири.

— Эшик омонат ёпилгани учун ҳар эҳтимолга қарши уни беркитиб кетганим, — хотиржам жавоб берди Ҳақлибой.

Ҳамхоналар ишонганининг фалон миллион сўм турмуви воситалари ҳақида эмас, ўз пулига келган заримас буюмни эҳтиётлаган ҳамкасбларининг бу ишдан лол қолишди-ю, зум ўтмай бор овозда кулб юборишди.

Ҳақлибой хонадагиларнинг кулгиси боисини англолмай, уларга беғубор назари билан боқиб турарди.

Бойжон МИРЗО.

Публицистика

Мустақиллик йиллари узайиб боргани сайин Ватан қадрни юксак бир иморатга айланаётгандек туюлади кишига. Унинг пойдевори эса халқнинг орзу-умидларидан қад кўтарган.

Яқинда бир даврада кейинги 14 йил ичида эл нималарга эришди-ю, нималарга эга бўлди деган гап айлана-б-б-б қолди. Ҳаммининг фикри ҳар хил.

Маматқул АБДУВАЛИЕВ, 80 ёшли қария:

— Менга энг кўп таъсир қилгани мустақиллик ҳаммани ҳаракатга солиб қўйди. Марҳамат, бой бўлман десаңг тadbиркорлик қил, керак бўлса, фермер бўл.

— Ўн тўрт йил илгариги тadbиркор билан бугунги тadbиркорнинг ўртасида жуда катта тафовут бор.

Эл мадҳи

ДУНЁ ТАНИР

Спитамен отидан Широқ жасоратидан, Қошғарий «луғати»дан Тўмарис қисматидан Дунё танир ўзбекни.

Нухдан бир зурриёд халқ, Алпомишга авлод халқ, Не ёвларга қирон халқ, Чингизхонга жаллод халқ — Дунё танир ўзбекни.

АРДОҚДАГИ ЮРТ БЕРГАН МЕҲР

Бу биринчиси. Иккинчиси, қаранг, қўшма корхоналарда ишлаётганларнинг барчаси ўзимизнинг болалар. Ахир илгарилари чет эл машиналари ишлаб чиқариладиган корхонада маҳаллий ёшлар ишлай олмайди, деган тушунча ҳам бор эди-да.

Собир ИНОМХУЖАЕВ, тadbиркор: — Ўн тўрт йил илгариги тadbиркор билан бугунги тadbиркорнинг ўртасида жуда катта тафовут бор.

Самарқанду, Бухоро... Нақшбанд — улуг даҳо. Ал-Бухорий, Термизий, Ислол илми бебаҳо — Дунё танир ўзбекни.

Беруний, Ибн Сино, Улугбек — соҳиб само. Форобий, Хоразмий, Ҳисоб илмида танҳо — Дунё танир ўзбекни.

дент фармонлари-ю, ҳукумат қарорлари бўлмақда. Отам «кўз кўрқок, қўл ботир» деган мақолини тез-тез такрорлар эди.

... Бу гапларнинг заммиридаги битта мазмун — Мустақиллигимизни одамларимиз тобора тўри тушуниб

бормоқда. Яшириб нима қиламиз, дастлабки қийинчилик йилларида эски замонни кўмсаганлар ҳам бўлган. Илгари ундок эди, илгари бундоқ эди, деб тамшаниб кўядиганлар ҳам қанча.

Навоийси тил берган, Бобур юрт деб дил берган. Машрабдек булбул берган Қулаҳматдек қул берган — Дунё танир ўзбекни.

Қори Ниёзий номин, Фафур Фулом каломин, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Жаҳонда тенги борми? — Дунё танир ўзбекни.

Бугун йўлдош иқболи, Муборак истиқлоли. Юртим шони-қамоли, Келажак олдда ҳали — Дунё танир ўзбекни.

ким китоб ўқимайди, меҳр-оқибат сийраклашиб қолди, ҳамма қорин дардида деган бирёқлама гаплар қулқоч чалинади.

... Бу гапларнинг заммиридаги битта мазмун — Мустақиллигимизни одамларимиз тобора тўри тушуниб

Хар кун атропофизикада ўқиб турса, бир пиёла чойингизни хотиржамлик билан ичмасангиз Ватанини эмас, жонингизни, бола-чақангизнинг омонлигини ўйлаб қоласиз.

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган почта маркаси муомалага чиқарилди.

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАСИ

Мазкур марка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутадиган мазкур қадимий шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга бағишланган қарори асосида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти ҳамкорлигида тайёрланди.

Ў.А.

Сўраган экансиз

экан, харид қилинган тарвузи ахшилаб сувга чайиб кесинг-у истеъмол қилверинг. Фақат уни асло совуттигда музлатиб бўлмас-

рат бўлиши керак. Аммо, бунга махсус асбоб кўмагисиз аниқлашнинг имкони йўқ.

Ҳақлибой анча ўйлаб, минг бир андишада яқка қўлф билан беркитиб, уйга жўнади.

Энди, шунча нарсани олиб бердик, трояикни ўзингиз амалларсиз, — ҳазиллашди бошлиқ.

Ходимлардан бири Ҳақлибой дарҳол дўкандан зарур «зорманда»ни олиб келди.

Қуларнинг бирида ҳамчонаси хаёл билан қўшимча қўлф калитини олиб кетиб

қолди-ю Ҳақлибой анча ўйлаб, минг бир андишада яқка қўлф билан беркитиб, уйга жўнади.

Энди, шунча нарсани олиб бердик, трояикни ўзингиз амалларсиз, — ҳазиллашди бошлиқ.

Ходимлардан бири Ҳақлибой дарҳол дўкандан зарур «зорманда»ни олиб келди.

ИЛК ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номли кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Хотира рашик» бадий фильми тақдимоти бўлиб ўтди.

Бу Ф. Жалоловнинг биринчи режиссёрлиги иши бўлиб, айтиш мумкинки илк қадам муваффақиятга бўлди.

Чиндан ҳам бугун айни пийшиқчилик палласи. Вилоятимиз шаҳарларининг дехқон бозорлари, қолаверса, маҳалла гузарлари-ю, катта кўчалар чети полиз маҳсулотлари билан танабул.

Энди бевосита саволга келсак. Чиндан ҳам тарвуз қандай танлананди? Бу полиз маҳсулотининг қиммати қандагга бойлиги билан ўлчанади.

Гидрометеорология бoш бoшқармасининг хабар беришича, 31 август кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин.

Сирғали туманидаги «AMIRA-NUR-TEKNIKA» КК МЧЖ (ОКПО 19811327) ТУГАТЛАДИ.

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомидан 133-77-99 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

ЎБ-ҲАВО

Гидрометеорология бoш бoшқармасининг хабар беришича, 31 август кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин.

Сирғали туманидаги «AMIRA-NUR-TEKNIKA» КК МЧЖ (ОКПО 19811327) ТУГАТЛАДИ.

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомидан 133-77-99 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

КўЧА ТўЛА ТАРВУЗ...

Чиндан ҳам бугун айни пийшиқчилик палласи. Вилоятимиз шаҳарларининг дехқон бозорлари, қолаверса, маҳалла гузарлари-ю, катта кўчалар чети полиз маҳсулотлари билан танабул.

Энди бевосита саволга келсак. Чиндан ҳам тарвуз қандай танлананди? Бу полиз маҳсулотининг қиммати қандагга бойлиги билан ўлчанади.

Гидрометеорология бoш бoшқармасининг хабар беришича, 31 август кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин.

Сирғали туманидаги «AMIRA-NUR-TEKNIKA» КК МЧЖ (ОКПО 19811327) ТУГАТЛАДИ.

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомидан 133-77-99 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

Ташкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745.

Шундан кейин

ЎФИРЛАНГАН НОЁБ БОШ

Зальцбургдаги музейдан номаълум кимсалар Вольфганг Амадей Моцарتنинг буй бағрбар нусхаси калласини ўғирлаб кетишди.

Ўғирлик музейнинг кечкурунги ёпилиши ва эрта-лабки очилиши оралиғида содир этилган деб тахмин қилинмоқда.

АЙБЛОВ РОСТ БЎЛСА

ГРУЗИЯнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари «202» телеканалнинг муассиси ва бош директори Шалва Рамшвилини ҳибсга олди.

КУНИ БИТГАН ШАҲАРЧА

МЕКСИКА ҳукумати АҚШ чегараси яқинидаги чоғроқ бир шаҳарчани бульдозерлар ёрдамида текислаб ташламоқчи.

ЯНА БИР ХУРУЖ

ФИНЛЯНДИЯ шимолида парранда гриппи хуружи қайд этилди.

ШУНЧАКИ ҲАҚИДА

МАРОККО ва Туркия ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари Zotob вируси ёки унинг ўхшаш турларини ёзганликда гумон қилинаётган икки ёшни ҳибсга олди.

ҚУШ ҚАНОТИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

ФЛОРИДА университети ихтирочилари учувчиси мўжаз самолётлар учун планернинг янги чизмасини ишлаб чиқишди.

Қанот шакли ўзгаририлган янги тизим парвоз ва кескин бурилишлар чоғидаги учини хусусиятларини яхшилаш имконини беради.